

ҚИЁМ НАЗАРОВ

ЖАҲОН ФАЛСАФАСИ ҚОМУСИ



А-Н

Таҳрир ҳайъати:

О.У.Салимов, Х.О.Шайхова (илмий муҳаррир), Р.А.Убайдуллаева, А.Э.Абдусамедов, А.Т.Аюпов, М.Н.Абдуллаева, Ҳ.П.Умурзоқов, У.М.Уватов, А.Аъзамов, А.Х.Саидов, Б.О.Тўраев, З.Исломов

Масъул муҳаррир:

М. Ҳожиматов

Қомуснинг ушбу биринчи китобида фалсафа тарихи, унинг тадрижий тараккиёт босқичлари, асосий оким ва йўналишлари, буюк донишманд мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижоди, машхур фалсафий асарлар ҳақида алифбо тартибида «А» дан «Н»гача бўлган ҳарфлар билан бошланган мухтасар мақолалар, бу соҳага оид қонун ва категориялар, тушунча ва атамаларнинг қисқача изоҳлари берилган.

Китобнинг ушбу наشري Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамиятининг Республика Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси билан ҳамкорликда бажарилган ИФ 1–093 фундаментал ва ПЗ–20170930386 амалий тадқиқот лойиҳалари асосида тайёрланган. Унда лойиҳа муалифи Қ.Назаровнинг 2000–2018 йиллар давомида амалга оширган илмий изла-нишлари якуний натижалари ўз аксини топган.

Китоб Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти Илмий таҳрир кенгаши (2022 йил 26 августдаги 3-сонли баённома) қарорига кўра нашрга тавсия этилган.

This encyclopaedia consists of brief comments on the history of world philosophy, its branches and orientation, life and work of prominent scholars, special articles about well-known philosophic works, laws and categories, associated with this science and sort description of notions and terms.

The Encyclopaedia has been prepared on the basis of the Fundamental Project IF-1-093 of the Committee of coordination of development of Science and Technologies of the Republic of Uzbekistan. This book contains final results of the scientific research works of the project author Q. Nazarov for 2000–2018.

The book was recommended for publication by the decision of the Scientific Editorial Board of the National Society of Philosophers of Uzbekistan (Announcement No 3, 26.08.2022).

Энциклопедия посвящена ключевым понятиям и категориям, законам и традициям, персоналиям и произведениям, определившим собою как сущность и структуру, историю и теорию философской науки, так и ее современные течения и направления.

В ней отражены конечные результаты исследования, проведенные в 2000–2018 гг. в рамках фундаментального научного проекта № ИФ 1–093 ГКНТ РУз по теме «Создание энциклопедии мировой философии на основе изучения истории и эволюции мировой и отечественной философской мысли» (автор К. Назаров).

Рекомендована в печать редакционным советом Национального общества философов РУз (Протокол № 3; 26.08.2022).

СЎЗ БОШИ

Илм-фан ҳаёт ва давр билан ҳамнафас ривожланади. Ана шу маънода, ҳар қандай тараққиёт илм-фанга таянади ва ундан куч олади. Дунёнинг қайси нуктаси тараққиётга юз тутган бўлса, демак, ўша ерда ушбу соҳага алоҳида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилгани маълум. Чунончи, Шарқ халқларида қадим-қадимдан илм-фанга хайрихоҳ бўлиш билан бирга, соҳа вакиллари ҳам маънан, ҳам моддий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиш қадрият даражасига кўтарилган.

Жаҳон майдонида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бораётган янги Ўзбекистонимизда ҳам илм-фан ва халқ маънавиятини юқори босқичга кўтариш, маърифат аҳлининг машаққатли меҳнатини муносиб баҳолашга алоҳида эътибор берилмоқда. Олимларимиз куч ва салоҳиятини тўлиқ намоён этишига барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Президентимиз раҳбарлигида узок вақт давомида соҳада йиғилиб қолган муаммолар ҳал қилиниб, қотиб қолган қарашлар янгиланмоқда, изчил ва аниқ тараққиёт стратегияси асосида янги Ўзбекистон руҳи ва қиёфасига мос тарздаги янги маърифий макон шаклланмоқда.

Бутун дунё глобаллашиб, турли вайронкор ғоялар хуружи кучайиб бораётган ҳозирги даврда, мамлакатимиз мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, аҳолининг турли қатламлари, айниқса ёш авлод қалби ва онгида эзгу ғояларга садоқат туйғусини шакллантириш маънавий-маърифий соҳанинг устувор вазифаларидан бирига айланди. Бу борада инсоният яратган бой маънавий ва маданий қадриятлар, жумладан фалсафага ҳам янги тафаккур ва замонавий мезонлар асосида ҳолисона ёндашиш, мазкур фанга доир назария ва таълимотлар, тушунча ва тамойиллар, қонун ва категорияларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда давлатимиз олдида илм-фан, рақамли иктисодиёт, инновацион ғоя ва ёндошувлар асосида кучли тараққиётга эришиш, таълимни ривожлантириш, илмий ва ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш, жамиятда зиёлилар, хусусан олимлар мавқеини кўтариш, янги авлод кадрларини билимли ва шижоатли, асл ватанпарвар қилиб тарбиялаш каби муҳим ишлар турибди. Бу ўринда албатта, буюк алломалар, атоқли файласуфлар, дунё илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшган таниқли олимлар мероси муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, уларнинг ҳаёти ва ижоди, илмий изланишлари ҳақида тўлиқ маълумотлар берадиган манбалар, ўқув қўлланмалар, адабиётлар ниҳоятда кам. Шу боис бугунги кунда, қўллаб соҳалар қатори, фалсафа йўналишида ҳам ҳар томонлама пухта, пишиқ, мукаммал асарлар яратилиши ўта долзарб вазифалардан биридир. Бу жиҳатдан, қўлингиздаги икки жилдди «Жаҳон фалсафаси комуси» илмий доираларда қўпдан буён қутилаётган муҳим адабиётлардан бири бўлди, дея таърифлаш мумкин. Мазкур асар жаҳон фалсафасидаги барча йўналиш ва окимлар, донишманд ва мутафаккирлар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ишончли маълумотлар ўрин олгани билан аҳамиятлидир. Фалсафа соҳаси билан боғлиқ илмий қонун ва категориялар, тушунча ва атамалар кенг ёритилиб, изоҳлар берилгани асар мавқеини янада оширади. Ўзбекистон ва Марказий Осиё заминида вояга етган мутафаккир олимларнинг башариёт тафаккури ва цивилизациясига бекиёс таъсир кўрсатган асарлари, назарий таълимотлари, ғоя ва қарашларига оид янги маълумотларнинг муфассаллиги, шубҳасиз, ўқувчи асардан ўзи истаган нарсани топишига имкон беради.

Комусни тайёрлашда ўзбек комусчилиқ ва луғатшунослик мактабининг қадимий анъаналари ва бой тажрибаларига таянилган. Ўтган йилларда 12 жилдлик «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», қўп жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», «Алишер Навоий комуси», «Бобур комуси» сингари йирик ҳажмли илмий нашрлар яратилди. Шу билан бирга, «Фалсафа» комусий луғати, «Ўзбекистон юридик энциклопедияси», «Ислом. Энциклопедияси», «Маънавият: асосий тушунчалар луғати», «Педагогика: энциклопедия», «Тарих атамалари луғати», «Адабиётшунослик луғати», «Юридик атамалар луғати» каби илмий асарлар нашр қилинди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу комусни тайёрлашда ана шу манбалардан ижодий фойдаланилган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги дунёда фаннинг турли соҳаларига оид комуслар қўп бўлса-да, фалсафа соҳасида муомалада бўлаётганлари бир неча ўнтадан ошмайди. Бу борада комуслар ва луғатлар яратиш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш ушбу йўналишда Шарқ ва Ғарб фалсафаси, минтақамиз халқлари ва Ўзбекистондаги фалсафий тафаккур тарихи ва тадрижига нисбатан умуминсоний ёндошув асосида, ҳолисона ёзилган асарлар камлиги, аммо фалсафий мавзу ва масалаларга турлича ёндашувлар,

хилма-хил мазмундаги китоблар кўплигидан далолат беради. Афсуски, ушбу соҳадаги комусларнинг аксариятида Шарк ва ислом фалсафаси, унга хос тушунча ва тамойиллар, таълимот ва назарияларга етарлича ўрин берилмайдилар.

Марказий Осиё ва Ўзбекистон фалсафаси. бу ҳудуддан етишиб чиккан файласуфлар, уларнинг ижоди ва илмий меросига муносабатда ҳам ана шундай бир томонламалик кўзга ташланади. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу комусда бундай кемтикликларга барҳам беришга ҳаракат қилинган, ғайриилмий бир томонламаликдан мутлақо фарқ қиладиган умуминсоний мезонлар ва ҳолислик тамойилларига таянилган. Китобда жаҳон фалсафасининг барча йўналишлари ва оқимлари, атоқли алломалар ҳаёти ва ижоди, бу соҳа билан боғлиқ қонун ва категориялар, тушунча ва атамаларнинг қисқа изоҳлари билан бирга, кўплаб Шарк алломалари, жумладан Марказий Осиё ва Ўзбекистон заминидан етишиб чиккан мутафаккирлар, уларнинг инсоният тафаккурига катта таъсир кўрсатган асарлари, назария ва таълимотлари, ғоя ва қарашларига ҳозиргача мавжуд бўлган аксарият комуслар ва луғатлардагидан кўра кўпроқ жой ажратилган.

Шу муносабат билан комусга Шарк, Ўзбекистон, ислом фалсафасига доир 1100 га яқин мақолалар киритилган ва бу ўз навбатида, мазкур бебаҳо меросни янада кенгроқ акс эттириш имконини яратган.

Жаҳон цивилизацияси ва фалсафа тараққиётига катта таъсир кўрсатган машҳур асарлар ҳақидаги 370 дан ортиқ мақолаларни тайёрлашда ҳам ана шу мезонга асосланилган. Бу йўналишдаги комус мақолаларининг 150 дан ортиғи Шарк халқлари тафаккури ва ислом фалсафаси манбаълари, Марказий Осиё ва Ўзбекистон алломалари асарларига бағишлангани ҳам ана шундан далолат беради.

Ушбу китоб жаҳон фалсафаси комусшунослигида ҳозиргача мавжуд бўлган аксарият асарларга ўхшамайди ва улардан тубдан фарқ қилади. Уни тайёрлаш жараёнида муайян минтақа ёки мамлакат, бирор-бир аллома ёки мутафаккир, муайян ғоя, оқим, йўналиш ёки фалсафий таълимотни мутлақлаштириш, бошқаларининг аҳамиятини камситиш ёки йўққа чиқариш ҳақиқатдан йироқ ва бугунги давр талабларига жавоб бермаслиги шубҳасиз эди. Аксинча, уларнинг барчасини ҳолис талқин этиш, фалсафа фани, унинг мазмун-моҳияти, жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, хилма-хил фалсафий оқимлар, файласуфлар ва уларнинг таълимотлари ҳақида тўғри ва илмий тасаввурни шакллантириш комуснинг бош мақсади ва ундан жой олган мақолаларнинг асосий мезони бўлганини эътироф этишимиз лозим.

Асарда ўзбек фалсафасига доир мақолалар умумбашарий фалсафий тафаккур тадрижининг тарқибий қисми сифатида баён қилинган. Яъни, Комуснинг охириги қисми Ўзбекистон фалсафаси, унинг энг қадимги замонлардан ҳозирги кунларгача бўлган тарихи ва тадрижи, замонавий йўналишлари, ўзига хос хусусиятларига бағишланган. Китоб сўнггида истиқлол арафасидаги ўн йилликларда мамлакатимизда яшаган ҳамда ҳозирги даврда ижод қиладиган фалсафа фанлари бўйича академиклар, профессорлар ва фан докторлари ҳақида қисқа маълумотлар берилгани ҳам комуснинг қимматини янада оширади.

Комуста киритилган 4000 дан ортиқ мақолалар ва изоҳларни тайёрлашда муаллиф кўплаб тарихий далиллар, фалсафий адабиётлар, турли илмий манбаларга, мумтоз файласуфлар ва атоқли мутафаккирлар билан бирга, чет эллик олимлар ва республикаимиз мутахассисларининг асарларига таянган. Асар лойиҳасининг амалга оширилиши, мақолаларнинг манбалари, фойдаланилган адабиётлар ва уларнинг муаллифлари ҳусусида комуснинг «Хулоса» қисмида муфасссал маълумот берилган.

Мухтасар айтганда, таникли файласуф олим, фалсафа фанлари доктори, профессор Қиёмиддин Назаров томонидан нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё фалсафасида биринчи марта яратилган мазкур комусни мамлакатимиз ва минтақамиз ижтимоий тафаккурида бир бутун ва ноёб ҳодиса, ҳалқимиз, зиёлиларимиз учун муҳим маънавий бойлик, деб таърифлаш ҳам мумкин. Шунинг баробарида ўзбек илм-фани, маданияти ва маънавияти, маърифат соҳаси мутахассислари, зиёлилар ва кенг жамоатчилик оммаси учун ҳам ушбу комус узок қутилган муҳим ва зарур адабиётлардан биридир.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда асл фалсафани тиклаш, юртдошларимиз тафаккурини янгилаш, уларнинг маънавий оламини юксалтириш йўлида яратилаётган кенг имкониятларнинг яна бир амалий натижаси бўлган мазкур комусни бу борадаги ўзига хос янгилик сифатида қабул қилиш мумкин. Унда келгусида такомиллаштириш талаб этиладиган жиҳатлар, баҳсли ўринлар, айрим камчиликларнинг бўлиши табиий, албатта. Шу боис, ҳалқимизнинг маънавий ва маърифий билимларини янада бойитиш йўлида жонқуярлик кўрсатаётган зиёлилар, тажрибали олимлар ва мутахассислар комус тўғрисида ҳолис фикр-мулоҳазаларини билдирадилар ва у кенг жамоатчилик томонидан ўзбек фалсафаси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган асар сифатида баҳоланади, деб умид қиламиз.

**Минҳожиддин МИРЗО,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази раҳбари**

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

а. – аср	мил. ав. – милoddан аввалги
араб. – арабча	мун-т – муносабат
а-р – асарлар	н. назар – нуктаи назар
(а.с.) – алайҳиссалом	наз-й – назарий
акад. – академик, академиги	наз-я – назария
б. – бет, бетлар	пед. – педагогика
БА – Бадий академия	проф. – профессор
б-н – билан	рив-ш – ривожланиш
биолог. – биология	рус. – русча
б. – бошка(лар)	(с.а.в.) – саллоллоху алайҳи ва саллам
В – вольт	т. – тушунча
ваф. – вафот этган	тар-ёт – тараккиёт
г – грамм	тахм. – тахминан, тахминий
га – гектар	ТВ – телевидение
газ. – газета	ун-т – университет
геогр. – география	урф-о. – урф-одат
геол. – геология	ФА – Фанлар Академияси
геом. – геометрия	ф-т – факультет
дек. – декабрь	фай-ф – файласуф
дм – дециметр	фал. – фалсафа
д-р – доктор	фал-й – фалсафий
жам-т – жамият	филол. – филология
зоол. – зоология	форс-т. – форс-тожикча
ижт-й – ижтимоий	франц. – француз, французча
икт-й – иқтисодий	хус-н – хусусан
илм. тад. – илмий тадқиқот	хус-ят – хусусият
инг. – инглиз, инглизча	ш. к. – шу каби(лар)
ин-т – институт	ш. саб. – шу сабабли
итал. – итальянча	шу. – шунинг учун
и.ч. – ишлаб чиқариш	ш-дек – шунингдек
кал. – калория	юн. – юнонча
кг – килограмм	Ў.О. – Ўрта Осиё
лот. – лотинча	Ўзб. – Ўзбек, Ўзбекча
М.О. – Марказий Осиё	Ўз-н – Ўзбекистон
мад-й – маданий	ЎзР – Ўзбекистон Республикаси
мад-т – маданият	қ. – қаранг
мам-т – мамлакат	қад. – қадимий
мас. – масалан	к.х. – кишлоқ хўжалиги
мат. – математика	хиж. – хижрий
маън-й – маънавий	хоз. – хозирги
маър-й – маърифий	х.к. – хоказо(лар)
маъ-ят – маънавият	



А (юн. «альфа»; араб. «алиф»; юн. унли сўзлар олдиан ан) — энг кад. халклар тилида учрайдиган дастлабки харфлардан бири; антик цивилизацияларда тўғрилиқ, ҳақиқат, инсон қамолоти ва жисмоний баркамоллигини ифодалайдиган белги; эски ўзб. тили ва б. кўплаб халқларнинг алифбосидagi биринчи харф. «Куръони Карим»нинг айрим суралари ҳам ушбу харф б-н бошланган. «А» баъзи хорижий тилларда, хус-н. кад. юнон, ҳоз. инг., франц., рус ва б. тилларда ишлатиладиган олд қўшимча ҳам ҳисобланади. Бундай ҳолда у бирон-бир сўз ёки атама ифодалаган маъноларни инкор қилади. Мас., арифметика, атенст, алгоизм, антитезис, антитопия ва б. Шу маънода, ҳоз. замон ўзб. тилидаги но-, бе-, гайри каби қўшимчаларга тўғри келади.

«А» харфи б-н боғлиқ фалъи қарашлар ва ғоялар тарихи энг кад. даврлардан бошланган. Мас., Қад. Миср ва Кичик Осиёдан билим олиб қайтган ва ҳозиргача ҳам, нафақат Миллет мактаби, балки бутун Қад. Юнонистон фалсининг асосчиси ҳисобланадиган Фалеснинг ҳикоялари бунга мисол бўлади. Унинг гувоҳлик беришича, Шарқ мам-тларининг баъзи ҳудудларида яшайдиган халкларда «А» муқаддас харф. Ҳудудларнинг мулоқот тили учун асосий восита ҳисоблана экан. Яъни. Ҳудодлар бир-бирлари б-н мулоқотга киришганларида «А»дан бошқа харф ишлатмас, балки унинг турли оҳанглари орқали ўз фикрларини ифодалар эканлар. Фалеснинг яна бир ҳикоясига кўра, Қад. Кичик Осиёнинг атоқли доғишмандларидан бирининг «А» ҳамма нарса ва воқеаларнинг бошланиши, ибтидоисидир. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам А.дан бошланади. Аслида улар бир нарса, фақат қимлар учундир яхшилик бўлган нарса ёки воқеа, бошқа бировлар учун ёмонлик, деб қабул қилиниши мумкин, деган фикри аҳоли орасида машхур бўлган. Бугунги кунда маълум бўлган фанлар ва динларда «А»га нисбатан бундай устуворлик кузатилмади. Аммо кўплаб фанларда, айниқса семантика, семиология, нанитик ва матд. муайян ҳолат ёки белгиларни ифода-лашда «А» харфи қўлланилади. За-монавий ахборот коммуникациялари тили, вертуал олам ифодалари, ин-тернет тизимларида ҳам бу харфдан кенг фойдаланилади.

АБАД (араб. доим, доимий, ҳар доим, ҳаммаша чегарасиз замон) — боқий, мангу, охири, нихояси йўқ, макон ва замон таъсиридан холи, доимий мавжуд ва барқарор, ҳеч қачон йўқ бўлмайди, деган маъноларни англатадиган т.; сўнгсиз, ибтидо-си бўлмаган вақт ўлчови, азалнинг муқобили ва унинг давомийлигини ифода этади. Бугунги фалда ҳам дунёвий, ҳам диний маънода тушуниладиган ибора. Дунёвий талқинда вақтнинг доимо мавжудлиги ва чегарасизли-гини англатади. Унга монистик, ду-алистик, плюралистик, материали-стик, идеалистик ва б. н. назарлардан ҳам ёндашиш мумкин. Айрим таъли-мотларга кўра, азал ва абдад устувор бўлиш фақат Худога хос, бошқа ҳамма нарса ўткинчи, яъни улар азалу абад ўртасида мавжуд бўлади.

А. сўзининг ўзагидан қуйидаги сўзлар келиб чиқади: абдад, абало, келажакда салбий ёки ижобий маъно-ни таъкидлаш учун ишлатиладиган сўз, яъни ҳеч қачон (салбий маънода); ҳар доим, ҳаммаша (ижобий маъно-да); абдий: келажакда ҳар доим мав-жуд, адоги йўқ, замон жиҳатидан чексиз ва йўқ бўлмайдиган нарса; абдиёт: абдийлик, доимийлик. Таъбид — абдийлаштириш, тааббўд — абдий бўлиш, абдийга айланиш, обида — тенгсиз а-р, мислсиз ёдгор-лик (тарихий обидалар). Она тили-мизда А. сўзи негизда шаклан-ган яна бир қанча т.лар мавжуд. Чу-нончи, тоабд, обида сўзлари шу-лар жумласидандир. Халқимизнинг ўлмас салоҳияти б-н яратилган ноёб моддий ва маън-й ёдгорликлар-га нисбатан ҳам баъзида обида сўзи қўлланади. Мас., тарихий ёдгорлик-лар орасида бундан қарийб уч минг йил муқаддам яратилган «Авесто»-а-ри халқимиз учун бебаҳо маън-й обида бўлиб ҳисобланади.

Табиий фалда замон доимий ва абдий ҳисобланиб, қуйидагича ифо-даланади: фалаклар ҳаракати абдий-дир, яъни унинг адоги йўқ. Машшо-ийлар фалси (Аристотель ва унинг издошлари)да рух қадим бўлганидек, ҳаюло (моддат ул-маъво, яъни шакл-сиз модда) ҳам қадим ҳисобланган. Ибн Сино замоннинг чексиз давом этишини А. деб билади. Машхур араб фал-фи Киндий таъбири б-н айтади-ган бўлсақ, ўзининг мавжудлиги ва давом этиши учун бошқага муҳтож бўлмаган ва борлиги иллат (сабаб)га боғланмаган нарса доим ва абдий-

дир. Абулбаракот Бағдодийнинг фик-рича, ҳар бир яратилган нарса аза-лий ва абдий бўлади. Шаҳобиддин Суҳравардий ҳам вужуд (борлиқнинг ўтмиш томонга қараб узайиши (даво-ми)ни А. деб билади.

Бу борада диний-исломий талқин қуйидагиларга асосланади. Мас., Саййид Шариф Журжоний «Ат-Таърифот»да А.га қуйидагича таъриф берган: «А. шундай бир муддатки, нихояси — адогони фикру тааммул б-н қатъиян тасаввур қилиш мумкин эмас. А. нихоясиз замонлар томонга қараб вужуд (борлиқ)нинг давом эти-ши, азал эса чексиз замонлар бўйича ўтмишга қаратилган борлиқнинг да-вомидан иборатдир». Ш-дек, у А.ни нихояси бўлмаган насадан ибор-рат, деб ифодалайди. А. ҳақида Жур-жоний берган ушбу таърифни тур-ли муаллифлар, жумладан, «Каш-шофу истилохотил фунун» китоби-нинг муаллифи Шайх Муҳаммад Али ибн Таҳонавий Хиндий, «Фал. ва калом илмлари қомуси» (муалли-фи д-р Сажжодий), «Луғатнома» му-аллифи А. Деххудо ва б. ўз а-рларида тақрирлаганлар ёки унга қўшимча қилганлар. Фарид Вайждий («Донарул маъорифил» (XX а. энциклопедияси) да Журжоний фикрини давом этти-риб А.ни чегарасиз даҳр ва замон, деб таърифлаган. Сафавийлар даври фал-фи Садрул Мутааллихин, азалият ва абдиётни яратувчининг сифатла-ри деб билиб, азалий — қадим ва сар-мадий сўзларини бир-бири б-н му-тародиф (синоним) деб ҳисоблайди. Унингча, ҳар бир азалий бўлган на-рса абдий ва ҳар бир сармадий бўлган на-рса ҳам азалий ва ҳам абдийдир. Зоти қадим бўлган нарса ҳам азалий ҳам абдий бўлади. «Фал. ва калом илмлари қомуси»да берилган маълум-отларга кўра, тасаввуф ахли, яъни орифлар абдиёт ва азалият маса-ласини нихоят диққат б-н ўрганиб чиққанлар. Мас., Тусийнинг н. назе-рича, азал ва А.нинг ҳар иккаласи бир маънони англатади. Улар орасидаги фарқ қайси ўринда ишлатилишидан келиб чиқади. Қадим (қадимлик) сўзи Аллоҳдан б. нарсаларга ҳам нисбат берилади, лекин азал ва азалият (аза-лийлик) яратувчидан б. нарсага нис-бат берилмади. А. ва абдиёт яра-тувчининг сифатларидан бўлиб, аза-лиятнинг бошланиши бўлмаганидек, адоги ҳам йўқдир. Шубҳасиз, аза-лининг азалийлиги ва А.нинг абдийли-ги ўзининг доимийлиги ва боқийлиги

б-н илоҳий ҳисобланади. Улар орасидаги фарқ шундан иборатки, азалитнинг бошланиши ва абадитнинг ниҳояси йўқ.

«АБАДИЙ АЛДОВЛАР» – Қад. Хитой алломаси Хуэй Ки (мл. олд. 350–264) томонидан хитойликларнинг антик давр обидаси «Ун китоб»нинг маъ-ъат қисмига бағишлаб ёзилган а-р. Энг қад. даврдаёқ билиш фалси ва гносеология масалалари-га алоҳида эътибор қаратилган, инсоннинг ҳақиқат ҳақидаги тасаввурларини чеклангани тўғрисидаги ушбу а-рда, алломанинг одамлар пайдо бўлганидан бошлаб, уларни алдаш учун тўқиб чиқарилган афсона ва ривоятлар, турли алдамчи гоё ва қарашлар мавжудлиги ҳақидаги фикрлари баён қилинади.

Тўрт қисмдан иборат «А.а.» а-рида муаллиф абадий алдовларнинг турларини тўртга бўлган, уларни ҳар томонлама тавсифлаган ва бу ҳақда турли мисоллар келтирган. Биринчи қисмда, аллома ҳаётда доимий учрайдиган, бировнинг қўнглини қолдирмаслик, яхшиликни амалга оширишга ҳизмат қиладиган ва эзгулик ҳақидаги тасаввурларга ҳалакат бермайдиган энг оддий алдовлар мавжудлигига эътибор қаратади. Унингча, бундай алдовлар ҳар қуни, ҳар бир оила, жамоа ва бутун жамятда муттасил содир бўлади ва уларнинг беозорлигига ҳамма кўникиб қолган. Ота-онанинг ёш боласини, қамолга етган болаларнинг қартайиб қолган ота-оналарини, дўстларнинг ўз дўстларини, эр-хотинлар ва махбубларнинг бир-бирларини бундай алдашлари табиий ҳолга айланган, дейди ф.-ф. Унингча, алдовнинг бу тури нафақат беозор, балки ҳаётини барқарорлаштириш, турли қўнғилсизликларнинг олдини олиш, жамятда ҳамжиҳатлик ва мутаносиблик бўлиши учун фойдалидек кўринади. Аммо ана шу «беозор ёлгонлар»дан унинг кейинги даражалари, инсон ва жам-т ҳаётини доимо ва муттасил захарлаб турадиган ёлгон шакллари келиб чиқади, дейди адиб.

А-рининг иккинчи қисмида таъкидланганидек, ёлгоннинг абадий ва салбий шаклларида бири, қариндошурулар, дўст-биродарлар, яқин кишилар орасидаги ёлгондир. Аллома уни иккига, биринчиси қариндош ва дўстликни муштаҳамлашга ҳизмат қиладиган, иккинчиси илқ мун-тларга раҳна соладиган ёлгонларга ажратади. Бундай ёлгонларга ҳам одам зоти кўникиб қолган, дейди адиб, улар қай ҳолат ва қандай шароитда бундай ёлгонлар ишлатилишини яқин биладилар. Қўп ҳолларда уларни ҳисобга оладилар, олдиндан бундай ёлгонларга алданмаслик чорасини кўрадилар. Бунда кексаларнинг ҳаётий тажрибаларига таяниш,

қарорлар чиқаришда шошилмаслик, ўйлаб ва кенгашиб фаолият юритиш қутилган натижани бериши мумкин.

Душманлар ва ёвлашганлар орасида пайдо бўладиган ёлгон шакллари ҳам инсоният ҳаётининг абадий йўлдоши эканини исботлашга а-рининг 3-қисми бағишланган. Бундай ёлгонлар тасодиғга ўхшайди, дейди муаллиф, улар ҳар сафар гўёки зидлашаётган ва душман томонлар ўйлаб чиқарган, бирор-бир қонуниятга бўйсунмайдиган, вақтинчалик ҳолатни ифодалагандек бўлиб кўринади. Аммо яхшилаб эътибор берилса, уларнинг шакллари ҳам а-лардан а-ларга ўтиб, тақрорланиб ва тақомиллашиб келаётгани маълум бўлади. Муаллиф фикрича, бунда макон ва замон, авлодлар ва одамлар, ёлгонларнинг шакли шомоилини ўзгарган бўлиши мумкин, аммо уларнинг моҳияти, ёвлашган ва душман томонларнинг максамудалолири ўзгармай қолаверади.

Алдовларнинг одамлар онги ва тафаккури б-н боғлиқ шакллари-га а-рининг 4-қисми бағишланган. Олим фикрича, бу борадаги илқ ёлгон одамларнинг ўлгандан кейинги ҳаёти, унда ҳар бир кишининг бахтли умр кечириш имконияти борлиги ҳақидаги ёлгонлардир. Одамларни ҳозир ва шу кунда эмас, балки келажакда бахтли бўлишлари мумкинлиги ҳақидаги ёлгонлар ҳам ҳеч қачон йўқолиб кетмайди, дейди адиб. Аллома фикрича, бундай ёлгонларни одамларни сароб йўлларга бошлаш, шундай максадларга сарфлаб қилиш учун тўқиб чиқариш эҳтиёжи сакланиб қолаверади. Гоҳида шундай ёлгонлар ишлатиладик, дейди муаллиф, одамлар «Бундай даражада ёлгон ишлатилмаса керак», деган алдамчи тасаввурларга эга бўлганларидан, унинг домига тушганларини сезмай қоладилар ва узок вақт ана шундай таъсир остида яшайверадилар. Унингча, ёлгонларга алданиш, умрни сароб максадларга сарфлаш ҳам ҳаётни маъносиз ўтказишга сабаб бўлиши мумкин.

А-р муаллифи одамларни ёлгонлардан эҳтиёт бўлиб яшаш сирларини аста-секин ва муттасил ўрганиб боришга ундайди. Аммо, бошидан қўллаб сир-синаотларни ўтказган аллома, а-рининг сўнгги саҳифаларидан бирида афсус б-н таъкидлайди: «Ёлгоннинг умри қисқа дейилса-да, бир кишининг ҳаётини булғашга, у тўғридаги ҳақиқатни рўёбга чиқармасликка етади. Одамлар эса, бундай ҳолда, ҳақиқат эмас балки ёлгонга кўпроқ ишонадилар, ҳақиқатни англамаслик, ёлгоннинг ортидан бориш ва уни қувватлашга кўпроқ куч ва вақт сарфлайдилар. Афсуски, баъзи ёлгонларнинг умри қисқа бўлмайди. Гоҳида шундай алдовлар учрайдики, уларнинг умри, бу ал-

довларни тўқиб чиқарганларникидан анча узун бўлади. Бундай алдовлар доимо қимларгадир керак бўлгани учун й-лар ва а-лар ўтса-да, ўз таъсирини саклаб қолаверади. Инсоният абадуладан ана шундай алдовлар ва ҳақиқат орасида яшашга мажбур бўлгани, бу илқисизликнинг муқаррар эканини англаганида, доимий афсусда яшашдан бошқа чораси йўқлигини яқин тушунадиган ягона жонзотдир».

А-р ниҳоясида, адиб кишиларни доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишга, турли ёлгонларга алданиб қолмасликка чақиради. Хилма-хил ёлгонларга учмаслик, улар ортидан қувиб, умрни сароб максадларга соғирмаслик ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ва ҳулосаларини баён қилади.

АБАДИЙЛИК – оламдаги мунтазамлик ва узвийлик, барқарорлик ва бардавомликни англатувчи т. А. моддий ва маън-й ҳодисаларда вақт тарзида талқин қилинади. Айтиллик, материя физикавий н. назардан А. тизими-га хос. Маълум объектга хос ҳодиса б. бир объект учун нисбийдир. Жумладан, А. диний қарашларда етакчи ўрин тутadi. Дунёдаги барча диний қарашларнинг марказида турғучи Худо – қайси шаклда ва қайси тилда бўлмасин А.нинг рамзидир.

АБАДИЙ ҚАДРИЯТЛАР – инсон, миллат, жам-т ҳаёти ва фаолият учун ўз аҳамиятини муттасил саклаб турадиган, доимий мавжуд ва зарур бўладиган қадрият шакллари н. ифодалайдиган т. Оила, маҳалла, давлат ва жам-т ин-тлари, она тили, дин, авлодлар ўртасидаги ворисийлик, тарих ва тарихий хотира, тинчлик, барқарорлик, озоодлик ва фаровонлик каби инсон учун ҳамма вақт зарур бўладиган, ҳеч қачон ўз қадрини йўқотмайдиган энг юксак т. ва тамойиллар А.қ. сифатида намоён бўлади. Бу қадриятлар а-лар давомида дунёдаги буюқ маърифатпарвар аллома ва мутафаккирларнинг эътибор марказида бўлиб келган. Хус-н, халқимизнинг бебаҳо маън-й мероси бўлмиш «Авесто» китобидаги «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» тамойили, Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий сингари улуг аждодларимизнинг а-рларида ифода этилган адолатли жам-т, қомил инсон, тинчлик ва фаровонлик гоёлари бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда. Ҳамма замонларда ҳам А.қ.ни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга беэавол етказиш учун тинимсиз кураш олиб борадиган фидойи инсонлар б-н бирга, бу йўлда тўсиқ бўладиган, А.қ.ларни сохталаштириб, одамзодни асл инсоний қиёфасидан маҳрум этишга уринадиган вайронкор қучлар ҳам албат-

та бўлади. «Юксак маъ-ят – енгил-мас куч» китобида ҳоз. мураккаб глобализм замонидида А.к.ни сохталаштиришга қаратилган ана шундай таҳдид ва хатарларнинг моҳияти, ғарзали мақсадлари ҳар томонлама очилиб, уларга қарши курашиш йўллари кўрсатиб берилган.

«АБАДИЙ ҚАДРИЯТЛАР НАЗАРИЯСИ» – невис аксиологлари М. Шеллер (1874–1928) томонидан яратилган ва Н. Гартман (1882–1950) томонидан ривожлантирилган наз-я. Унинг мазмун-моҳияти ва асосий қондалари М.Шеллернинг «Этикада формализм ва қадриятлар» (1916), «Қадриятлар кризиси» (1919), Н. Гартманинг «Этика» (1925), «Онтологияни асослашга доир» (1935), «Эстетика» (1953) а-рларида таъсифлаб берилган. Қарийб бир даврада ва бир ҳудудда яшаган. Узаро ҳамкорлик қилган ушбу олимларнинг бу ҳақдаги гоя ва қарашлари мажмуи-га Шеллер-Гартман наз-яси дейилади.

Шеллер ва Гартман жам-т тар-ёти ва давр ўзгариши б-н қадриятлар соҳасида ҳам ўзгаришлар рўй беришини, кризисга учраган жамиятларда эса қадриятлар соҳасида ҳам кризис кўзга ташланишини асослаб беришга ҳаракат қилганлар. Уларнинг фикрича, давр ўтиши ва янги давр келиши, янги жам-т шаклланиши жараёнида олдинги давр ва жамиятнинг баъзи қадриятлари ўзгаради, ўтишда қолади ва янгилари ҳосил бўлади. Инсоният тарихида бундай ҳоллар бот-бот рўй бериб туради. Шу б-н бирга, «А.к.н.»га кўра, жамиятдаги асосий қадриятлар (мас., авлодлар давомийлигини сақлаш, сихат-саломатлик, инсон қадри, яхшилик, эркинлик ва б.) инсоният мавжуд бўлиб қолаверадилар. Ҳар бир инсон, давлат ва жам-т фаолиятининг самараси ва фойдаси ана шу абадий қадриятларга солиштириб аниқланади. Қандай ширлар б-н бекитилмасин, қайси усуллар қўлланилмасин турли фаолиятлар ва жам-т миқёсидаги ишларнинг натижалари учун ушбу қадриятларнинг умумий мезон сифатидаги аҳамиятини йўқ қилди олмайдилар.

Шу маънода, Шеллер ва Гартман фикрича, қадриятлар инсон, миллат, жам-т ҳаёти ва фаолияти учун энг юксак маъ-ий мезонлар сифатида абадийдир. Ҳар бир давр ва давлатда уларни турлича тушуниш, қилма-хил талқин қилиш мумкин. Уларга одамлар турлича ёндашиши, турли даврлар ва жамиятларда ҳам қилма-хил мун-тла бўлиши мумкин. Аммо қадриятларнинг аҳалии фаолиятлар учун мезон эканлигини бутунлай йўқотилишининг иложи йўқ.

Шеллер ва Гартманинг бу борадаги гоя ва қарашлари XX а. аксиологияси, Ғарб ф-й-лари Хайдег-

гер, Ясперс, Бубер, франц. персонализм, Франкфурт ва Марбург мактаби вакиллари ижодида катта таъсир кўрсатган. «А.к.н.» эса аксиология буйича ҳалигача чоп этилаётган дарслик ва қўлланмаларда ушбу фаннинг наз-ий таянчларидан бири сифатида эътироф этилади.

АБАДИЙ ҲАКИҚАТ – гносеология категорияси, билиш натижаси ва жараёнида эришилган ҳақиқатнинг энг юксак даражаси; объектив воқеаликни, нарс ва ҳодисаларнинг киши онгида мутлақ ўзгаришсиз, тўғри акс этиши. А.х.да илмий билиш натижасида пайдо бўлган ҳулосалар илмий билишнинг келгуси ривожидида рад этилмайди, балки янада аниқлашдади ва тасдиқланади. А.х. қисмларини (субъектларини) эътиборга молик эки моликсиз жихатларини ўрганиш ва тасдиқлаш нисбий ҳақиқатдир (қ.: Нисбий ҳақиқат). А.х. мутлақ ҳақиқатнинг ўхшаши, синоними. Гегель таълимотида А.х.ни жуда кенг тушуниш мумкин. А.х. ўзгариш ва тафтишга учрамайди. Аксинча, А.х.ни билиш, ўрганиш доимо ўзгаришга учраши мумкин. Мас., ислом теологлари ва олимларининг қараш буйича, диний арконлар А.х.дир. Билишнинг рив-ш жараёнида рад қилиб бўлмайдиган ҳақиқат – А.х. ҳисобланади (яна қ.: Ҳақиқат).

АБАЙ, Абай Қўнонбой ўғли (1845–1904) – қозоқ адабиёти ва фал. сининг йирик вакили, маърифатпарвар шоир. Еттисув шахридаги Аҳмад Ризо мадрасасида таълим олган. Салбий, Навоий, Ғолиқ, Ҳофиз каби Шарқ классиклари а-рларини севиб ўрганди. Сукрот, Арасту, Форобий, Гегель фал.сидан, Байрон, Гёте ва б. мутафаккирлар ижодидан ҳам баҳраманд бўлди. Буларнинг ҳаммаси унинг билим савияси ўсиб, ижт-ий-нисбий, фал-й қарашларининг шаклланиб ва ривожланиб боришида катта таъсир кўрсатди. А. узининг шеърлари, ўланлари, поэмаларида халқни илм-маърифатга, инсонийликка, меҳнатни севишга, қасб-хунар эгаллашга даъват этди. Унинг «Игитлар, қийин арзон, кулги қиммат», «Қиз ўзи», «Илм топмай мактанма», «Оч киши тинчланарми, тўймагунча» каби шеърлари шулар жумласидандир. Унинг 45 та қатъийлик хикоячалардан ташкил топган «Насихатлар»ни чоп этилган. А. ота-шин ватанпарвар шоир эди. У «Менин элим, қозғом», «Бойлар юрар молин ардоқлаб», «Адашганинг олди йўл» каби шеърларида уруғлар ўртасидаги узаро жанжаллардан юртвайрон, халқ хор-зор бўлганлигини ачинаиб, қуйиб-ёниб тасвирлайди. Шоир узининг «Қозғом, шўрлик юртим, вайрон юртим» шеърларида ноахиллик қандай фалокатларга

олиб келганлигини моҳирона тасвирлаб, қозоқ уруғларини бирлаштиришга чақиради, уруғлар ўртасидаги қилишмовчиликларни тугатишга ундайди. А.нинг ижт-ий-фал-й фикрларини кенг тарғиб этишда унинг шоғирди Шакарий Худайбердиев (1858–1931) хизматлари эътиборга сазовор.

АББАҒЬЯНО (Abbagnano), Ни-кола (1901, Салерно – 1977, Турин) – италиялик ф-й-ф, экзистенциализм вакили. Асосий қарашлари инсон борлиги, унинг яшаши ва ҳаёти б-н боғлиқ бўлган масалаларнинг фал-й жихатларига тегишли. Унинг фикрича, инсон моҳиятида оптимист, яъни келажаққа ишониб, умид б-н яшовчи мавжудот ҳисобланади. Одамзод насли ўз моҳиятига кўра, келажаққа умид б-н қарайдиган, эъзуликка интиладиган, ўтишда унутмайди-ган вужуддир. А. ана шу асосда ҳар бир инсоннинг экзистенциал мақсади ўтишдан келажаққа қаратилган бўлиб, бу мақсадни амалга оширишда тарихий, замонавий ва истикбол б-н боғлиқ омиллар муҳим аҳамият касб этади деб ҳисоблайди. «Позитив экзистенциализм» (1948), «Фал. тарих» (1966), «Социология муаммолари» (1967) каби а-рларида Хайдеггер, Ясперс каби ф-й-флар қарашларини давом эттирди.

АББАТ (лот. abbat, оромий тилида аба – ота) – 1) католик монастири – аббатлик бошлиғи. 2) франц. католик руҳонийси унвои. Қад. Рим империяси давридаги фал-й қарашларида апологетлик устувор бўлган шахслар.

АБДО, Мухаммад ибн Абдо (Абду) ибн Ҳасан Хайруллоҳ Туркаманий (1849–1909) – мусулмон Шарқи мам-тларида диний ислоҳчилик, миллий-озодлик ҳаракатининг бошловчиси, асли туркistonлик, туркман уруғларидан чиққан, «Ал-Азхар» ун-ти илоҳиёт ва мантик мударриси, Ибн Халдуннинг машҳур «Мукаддима»си асосида ёзилган «Фал. ал-иҷтимоъи ват-торих» (Ижт-ий ҳаёт ва тарих фал.си) номли фал-й а-р муаллифи. Жамолиддин Афғонийнинг ҳаммаслағи ва издоши. Машҳур Миср муфтийси, Мисрда, бутун мусулмон мам-тларида капиталистик мун-тларнинг қириб қелишига ислом н. назаридан асос бўлиб хизмат қилган фатволарнинг муаллифидир. А.нинг шох а-ри «Рисолат ат-таъхид» (Яккаҳудодлик дини ҳақида рисола). Гаспирали Исмонлибек, Махмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шакурӣ, Мулла Қилич, Ризузодин ибн Фахриддин Уфойӣ, Муса Жоруллоҳ Қозонӣ, Озарбайжон, Кавказ, Туркиядаги мусулмонлар раҳнамолари жамиятини тар-ёт йўлига олиб чиқишда исломий-шаръий асос бўлган «Фатво»ларини А. фатволарига таяниб эълон қилганлар.

Ўз навбатида. А.нинг ўзи ислом, шариятини ислоҳ қилишга қаратилган фатволарини туркистонлик ислом илоҳиётчи фал.си – калом фал.сида «мотуридия» мактаби асосчиси Имом Мотуридий (ваф. 944 й) таълимотидаги ислоҳчилик тамойилидан келиб чиққан ҳолда эълон қилган эди. Бундан ташқари, Мисрни замонавий тар-ёт йўлига олиб чиқишдан, ўрта а.чилик, диний хурофотлар ис-канжасидан халос этишдан манфаатдор бўлган инг. протекторати идораси А.ни уч марта Миср муфтийси қилиб сайлаганига эришганини ҳам назардан соқит қилмаслик керак.

А.нинг ижт-й-сиёсий қарашлари шаклланишига ислом фал.си, айниқса Ибн Халдуң социологияси б-н бир қаторда О. Конт, Г. Спенсер ва б. франц. позитивизм фал.си сезиларли таъсир қўрсатган. «Рисолат ат-тавхид» а-рида А. инсоният ижт-й тар-ётини уч босқичда олиб қарайди: 1) инсон ўз атрофини ўраб олган муҳит мазмун ва моҳиятини тушулмаган, инсоният хали камолга етмаган давр; 2) инсон олам тўғрисидаги кўп нарсаларни билиб олгандан сўнг, пайғамбарлар пайдо бўлиб, уларни тўғри йўлга етаклаган, лекин дунёни ўрганиш б-н инсоннинг ҳафсаласи пир бўла бошлаган; 3) инсон олам ҳодисаларини нотўғри талқин қилган, жамиятда иллат ва нуқсонлар, зиддиятлар, урушлар ва издан чиқишлар бошланган давр. А. ўзининг Жамоллидин Афғоний б-н Парижда нашр этган «Ал-Урво ал-Вусқо», «Ал-Манор» номли газета ва журналларидаги мақолаларидан бирида: «Биз шуни биламизки, барча мусулмонлар ва барча ватанпарварлар инглизлар ҳаракатиға қаршилик қўрсатишни, имконият борица, ўз этникида ва ўз ватани талаб этаётгандек, уларнинг йўлини тўсишни ўз бурчи деб ҳисоблайди. Илоҳий шарият ва табиий қонунлар Ер юзидagi барча халқлар ва барча мам-тларда ҳам ҳар бир инсон олдиға ўз ватанини, ўз мол-мулкни ҳимоя қилишни, бу йўлда ўлимдан ҳам кўркмасдан тажовузкорларға зарба бериш талабини қўяди». А. фикрича, нафақат ўз ватанини сотган, балки ўз ватани тўғрисида душманининг қадам босиши учун сабаб бўлган, душмандан бир қадам чекинган, душманга қарши зарба бериш имконига эга бўлатуриб, унинг ватан тўғрисида мустақамлалиб олиши учун имконият яратиб берган ҳам ҳондир. Бундай шахс «кандай қийим-деки кандай кўринишда майдонга чиқишдан қатъи назар, ҳондир».

А. фикрича, инсон ижт-й ҳаётида бир-бири б-н бирға ва алоқада яшашға муҳтож, бу унинг учун тўғма хус-ят. Ҳар бир шахс бошқа шахс б-н алоқа қилишға мажбур. Инсоннинг ҳаётға бўлган талаби ошгани

сари унда жам-т б-н алоқанинг кучайиши, жам-т томонидан қўллаб-қувватланишға бўлган эҳтиёжи ҳам ошиб боради. Шу. жамиятда онладан – қабилага қабиладан – халққа, халқдан – бутун инсониятға томон ўзaro алоқа ва боғланишлар кучайиб боради. Ислоҳчилик замон ва аниқ шарт-шароитға мослашиш заруриятидан келиб чиқади. А. миллий-озодлик, мустақилликға факат қурол билангина эмас, балки тинч, тадрижий тар-ёт ва илм-маърифат соҳаларидаги ислохотларни амалға ошириш б-н эришиш мумкинлиги қаби гоёларни илгари сурган маърифатпарвар сифатида тилға олинади.

АБДОЛ (араб. ўринбосарлар) – ислом фал.си ва тасаввуф таълимотиға кўра, турли замонларда мусулмонлар орасида яшайдиган етмишта авлиёнинг бири. Алардан биронтаси вафот этса, ўрниға тақводор мусулмонлардан бири олинади, деган тасаввур мавжуд бўлган.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ (Жулқунбоз) (1894.4.10 – Тошкент – 1938.10.4) ўзб. миллий адабиётининг йирик номандаларидан бири, буюк романист. Адибнинг илк ижоди 1913–1914 й.ларда бошланган, дастлаб шоир сифатида қалам тебратган. Адиб дастлабки а-рларини турли тахаллуслар б-н эълон қилган. Шу тахаллуслардан бири ва халқ ўртасида машҳур бўлгани Жулқунбойдир. Унинг «Ахволимиз», «Миллатимиз», «Тўй», «Фикр айлагил» қаби шеърлари «Садои Туркистон» газетаси ва «Ойна» жур.ида (1914–1915) босилган. А.К. мазкур шеърларида миллатдошларини ҳаюлат ва хурофотға қарши қурашға қақриб, маърифатпарвар шоир сифатида майдонға чиққан. Бу й.ларда у «Бахтсиз кўёв», «Ҳеч ким билмасин» (1915) қаби сахна а-рларини ҳам ёзган. Унинг «Жувобоз», «Улоқда» (1916) қаби хикояларида ўз халқини саводли, билимли, мад-тли қилиш ва озод қўриш истаги сезилиб туради.

А.К. «Муштур» журнали ташкилчиларидан бири бўлди. Унинг «Тошбулат тажаним нима дейди?» ва «Қалав маҳзумининг хотира дафтаридан» туркумидаги ҳажвий хикоялари илк бор шу журналда босилди. А.К. 1917–1918 й.лардан бошлаб «Ўткан кунлар» романи учун материал йиғишға қиришди. 1922 й.да биринчи ўзб. романининг дастлабки боблари «Инқилоб» журналида чоп этила бошланди. 1925–1926 й.ларда «Ўткан кунлар» уч бўлимдан иборат китоб шаклида нашр этилди. 1928 й.и ёзувчининг 2-тарихий романи – «Меҳробдан қаён» нашрдан чиқди. Ҳар икки тарихий романда ҳам адиб халқнинг мустақамлақа зулмидан озод бўлиш ҳақидаги орзу-умидларини ифода

қилади. 1934 й.да қишлоқ ҳаёти мавзусиға бағишланган «Обид кетмон» кассасини яратди. Ш-дек, у Гоголнинг «Ўйланмиш» комедияси ва Ғарб ёзувчиларининг ҳажвий хикояларини ўзб. тилиға таржима қилди. А.К. Амир Умархон даври ва Намоз ўғри ҳақида романлар яратиш орзусида бўлган. Аммо мустабид тузум бу орзуларини тўла рўёбға қиқиниға имкон бермади. А.К. 1926 й.да «Муштум»да босилган «Йингиди гаплар» мақоласи туфайли қиска муддат қамалган. 1937 й.нинг 31 декабрида «халқ душмани» сифатида қамокка олинган ва Тошкентда отиб ташланган. А.К. 1956 й.да оқлангандан кейин унинг а-рлари янгидан нашр этилди. Истиклол давриға келиб А.К.ға чин маънода ҳурмат ва эҳтиром қўрсатила бошланди.

АБЕЛЯР (Abelard), Пьер (1079–1142) – франц. фал-фи, илоҳиётчи, воиз, мантикий-диалектик тафаккур соҳиби, схоластик мантик асосчиларидан бири. Замондошлари А.ни Ғарбнинг Платони, ўз даврнинг Аристотели, диалектиканинг рицари деб улуғлаганлар. А. шоир ва машоҳқ ҳам бўлган. А. «Ҳа ва йўқ», «Диалектика», «Теологияға қириш», «Ўзининг ўзинг бил», «Қулфатларим тарихи» қаби а-рлар муаллифи. Франция шимоллидаги Бретан шаҳрида дворян оиласида туғилди, номиналист Росселлин ва реалист Гильом қўлида таҳсил олди, Афлотун ва Арасту а-рларини чуқур ўрганди. А. ниҳоятда билимдон, моҳир маърузчи ва иктидорли баҳсчи бўлган. 1113 й.да А. «эркин санъатлар» магистри сифатида Парижда фалдан маърузалар ўқиган. Ундан илм олиш учун бутун Европада ёшлар келар ва унга шоғирд тушушни истар эдилар. Беш й. А. учун ваъзалар ўқиш, мулоқот ва фал-й баҳслар ўтказиш б-н ўтди. Рухоний Фульбернинг жияни Элоизани севиб қолганидан кейин ҳаёти нотинч бўлиб қолди. Элоиза А.дан фарзанд қўришиға қарамай, Фульбер иккала ёшни бахтли бўлишлариға йўл қўймади. А. ва Элоиза монастырида боришға мажбур бўлганди. Бу ерда Фульбер томонидан ёлланган одамлар А.ни қалтақлаб, унга огир жароҳат етказдилар. Рухи тушмаган А. монастырда ваъзалар ўқийди. Душманлари А.ни черков рухсатини олмасдан фал. ва илоҳиётдан ваъз ўқишда айблаган. А. 1121 й.да қақирилган соборда бидъатчиликда айбланиб, илоҳиётға бағишланган рисоласини ёкиб юбориш ҳақида қарор қабул қилинди. А. Труа қиёдада қичкина ибодатхона қурди. Тез орада бошқа шоғирдалари ҳам буни билиб қолиб, шу ерга қўчиб келадилар ва яна А. маърузаларини мароқ б-н тинглайдилар. Бундан хабар толган душманлари унга қарши ҳужумға тайёрландилар. Уни

Бретан монастырига чакирадилар, лекин мутафаккир у ерда кўп ишлай олмайдди. Бу воқеалар А.нинг «Менинг мусибатларим тарихи» рисола-сида баён қилинган. Бретандан Парижга қайтиб келган А. яна диалекти-кадан маърузалар ўқий бошлайди. Бунини эшитган душманлари А.ни собор судига беришга қарор қиладилар. 1140 й.да суд уни яна бидъатчиликда айблаб, унинг барча а-рларининг ёкиб юбориш ҳақида қарор чиқаради. Папа Иннокентий II қарорини тасдиқлайди. А. руҳий тушқунликка тушиб, олдинги қарашлардан воз кечганлигини эълон қилади ва Клонни монастырига жўнайдди. Уша ерда 1142 й. 21 апрел-да вафот этади ва кейинчалик «Фран-циянинг XII а.даги энг буюк киши-си» дея улуғланган алломанинг юл-дузи эрта сўнади.

А. ўз тадқиқотларида рационал-лик тамойилига («этикод қилиш учун тушунаман») асосланади. Мута-факкир этикод ақидаларини сўзсиз ҳақиқат эканлигига шубҳа билдир-ди, муқаддас матнларни онгли ту-шунишга ҳаракат қилиш зарури-гини таъкидлади. Хатто апостоллар ва черков ота-лари ҳам янглишишлар-ни мумкин, деб ўқидиради у. «Икки ҳақиқат» таълимотига таяниб, А. этикод соҳасига инсон ҳис қила ол-майди ва реал оламдан ташқарида турган нарсалар ҳақидаги ҳукм ва фикрларни киритади. Муқаддас ки-тоблар, — деб ёзади А., баҳсли му-аммоларни тазкик этишда диалектик услублар ва мантиқдан фойдаланиш-ни таъкидлайди. Ўз фикрини ривож-лантириб, А. мантиқ факат номлар ва тил т.лари б-н иш қўради, метафизика-дан фарқли ўларок мантиқни нарсалар ҳақиқати эмас, балки ҳужумлар ҳақиқати қизқиради, деб таъ-кидлайди. «Универсалийлар нима?» — деган саволга А. қуйидагича жа-воб беради. Универсалийлар нарсалар ва объектларнинг реал хоссала-рини умумлаштирувчи, бириктирув-чи умумий т., инсон аклий фаолият-тининг натижасидир. Улар идрок қилиш пайтида ҳосил бўлган образ-ларни маъмуллаштириш жараёни-да ҳиссий таъжрибада шаклланади, номлар ва ҳукмларда ифодаланади. Универсалийлар объектларда, нарсаларда субстанционал моҳият тар-зида мужассамланмаган. Нрсаларда универсалийлар йўқ, лекин улар-да ўзларининг моҳият ва хоссалари-ни намоён этадиган белгилар бор. Мана шу белгилар нарсанинг у ёки бу синфга киритиш имконини бера-ди. Демак, универсалийлар муайян нарсалар воқелигига мавжуд эмас. Улар аклий билниш жаҳасида узига хос «концептуал» (т.лар) олами таши-қил қилиб, борлиқ макомини ола-дилар. Тўғри, А. Афлотун фалсиф-саги гоёларнинг мавжудлигини ин-кор қилмайди, лекин улар реал олам-

да эмас, балки Худо ақлида мавжуд-дилар. Универсалийлар ҳукм ва матнда яққа нарсалар ҳақида маълумот берадиган предикат вазифани ба-жарадилар. Уларни ифодалайдиган сўзлар кўп мазмунга эга бўлишлари мумкин, шу боис, икки ёки ундан кўпроқ маънога эга бўлган матнлар ҳам мавжуд. Бундай ҳолат христи-ан адабиётларида ички зиддиятлар-ни вужудга келтиради. Зиддиятли ва шубҳа уйғотадиган жоёларни, улар-нинг тили ва маъносини диалектика ёрдамида таҳлил қилишга тўғри ке-лади. Агар диний матнларда барта-раф қилиб бўлмайдиган кўп маъно-ли сўзлар бўлса, унда Муқаддас ки-тобга мурожаат қилиш лозим. А. диалектика усулига таяниб, диний матн-ларнинг ноанъанавий талқинини бе-ради. А. диалектик фикрловчи фай-ф сифатида номинализм ва реализм-нинг ашаддий талқинини қабул қилмасдан, муътадил концептуализм мавқеини эгаллади. Унга кўра, уни-версалийлар субстанционал, нарсаларни яратадиган бирламчи моҳият эмас ва шу б-н бирга, ашаддий но-миналистлар айтганларидек, шунча-ки овоз оҳанги бўлган ном ҳам эмас. Фай-фнинг ахлокий қарашлари унинг «Ўзликини англаш» ҳамда «Фай-ф, яҳудий ва христиан ўртасидаги баҳс» рисолаларида баён этилган. Биринчи навбатда А. дин эркинлиги гоёсини тарғиб қилади. У ҳар бир дин ўзида мутлак ҳақиқатнинг муайян қисмини ифодалайди, шу боис, христианлик ўзини бирдан-бир тўғри дин, деб баҳолашига асос йўқ дейди. Ҳақиқат диний ривоятлардан кўра, фалда кўпроқ мужассамланган. Фақат эр-кин, ўз табиий қонунига асослан-ган фал. ҳақиқатга эришиши мум-кин. Бу қонун — виждондир. А. ишлаб чиққан номиналистик этиканинг асо-сий тамойили шундан иборатки, са-воб келтирадиган ёки гуноҳга боти-радиган хатти-ҳаракатлар учун ин-соннинг ўзи жавоб бериши лозим. Ахлокий масъулият фақат унинг ўзига юклатилмоғи керак. Инсон фа-олияти унинг максадлари б-н белги-ланади. Хатти-ҳаракат ўз-ўзича яхши ҳам, ёмон ҳам бўлмайди. Ҳаммаси ўйлаб қўйилган ниятга боғлиқ. Гуноҳ ҳисобланувчи хатти-ҳаракат — бу ин-сонни ишонч-этикодидагидан зид равиш-да амалга оширилган фаолиятдир. Яъни бир халқ вакилларининг хатти-ҳаракати шу халқнинг этикодидагидан мос ҳолда амалга оширилган бўлса, бошқа давр ва халқлар учун айнан шу фаолият гуноҳ ҳисобланиши мумкин. Шу н. назардан келиб чиқиб, Исо Масихни таъкиб остига олган мажу-сийларда ҳеч қандай гуноҳ йўқ, чун-ки уларнинг қилмишлари ўзларининг ишонч-этикодларига зид келмаган. Нимага ишонган бўлсалар, шу асо-да ҳаракат қилишган, деб ҳисоблай-ди фай-ф. А. Исо Масихнинг ерда-

ги бурчининг анъанавий талқинини шубҳа остига олади. Исо Масихни ҳақиқий бурчи, дейди фай-ф, ин-сониятдан Одам Ато ва Момо Хаввонинг гуноҳларини олиб таш-лаш эмас, балки барча инсонлар эри-шиши лозим бўлган олий ахлоқ на-мунасини беришдир. Демак, ин-сон гуноҳкор бўлиб тугилмайди. А.нинг фикрича, инсоният Одам Ато ва Момо Хавводан гуноҳга мойил-ликини олмаган, у фақат гуноҳи учун таъба қилиш лаёқатини олган. Таби-ийки, шакланган анъанага мос кел-майдиган бу фикрлар черков доира-лари томонидан бидъат гоёлар сифа-тида баҳоланган ва қўлпал биллими, доно ва халқпарвар одамлар қатори А. ҳам таъкибга олинган. Ўрта алар фалсифининг буюк намоёнаси, схо-ластик услуб асосчиси сифатида А. мулоҳазаларни таҳлил қилиш услуби нафакат ўша даврда, балки янги за-монда ҳам фал-й тафаккур тар-ётига сезиларли таъсир кўрсатди.

АБОЛИЦИОНИЗМ (лот. abolitio — йўқотиш, бекор қилиш) — XVIII асрда АҚШ, Франция ва Буюк Британи-яда пайдо бўлиб, XIX асрнинг I-яр-мида кенг тарқалган таълимот, авва-ло, қора танлиларни қулликдан озод қилиш, сўнгра турли мам-тларда мустанлақлардаги қулдорликни бекор қилиш учун олиб борил-ган ҳаракатнинг наз-й асоси бўлган гоёлар тизими. Кўпроқ энёлилар, фермерлар ва ишчиларни бирлаш-тирган А. жағиятлари қулдорликка қарши кенг қўламли тарғибот олиб бордилар. Айниқса 1861–1865 йил-ларда АҚШда бўлиб ўтган фуқаролар урушини тайёрлашда муҳим роль ўйнадилар ва мазкур уруш натижаси-да АҚШ жанубида қулдорликка чек қўйилишига эришдилар.

АБСЕНТЕИЗМ (лот. absentia — йўқлик, ҳозир эмаслик) — муай-ян давлат фуқаролари, умуман бутун аҳолининг вакиллик органла-ри ва мамлакат раҳбари сайловлари-да иштирок этишдан бўйин товлаши-ни англатадиган т., мавжуд бошқарув тартиблари, сиёсий институтлар фа-олиятига норозилик билдириш шакли. А. бирон-бир мам-тдаги аҳолининг муайян сабабга кўра сайловдан бош тортиши ёки ижт-й-сиёсий жараён-ларга бефарқлик, одамлардаги сиё-сий мад-т пастлиги, ўз ҳуқуқларига бефарқлиги б-н изоҳланади.

АБСОЛЮТ (мутлак) **РУХ** ва **АБ-СОЛЮТ ГОЯ** — Гегель фалсифининг асосий т.лари. Унинг фикрича, А.Р. ўз тар-ётида бир қанча босқичларни босиб ўтади, яъни объектив рух, субъектив рух, мутлак билим шакли-да ҳамда тақомилга етиб А.Р. тарзи-да намоён бўлади. А.Р.нинг асосий шакллари санъат, дин ва философия-

дир. Рух санъатда образлар оркали, динда эмоционал рухий фаолият натижасида, фалда эса дунёқарашга сох чуқур фикрлаш воситасида гоҳ тарзидоги моҳиятини намоён қилади. А.Р. шахс, жам-т ва гоҳининг бирлиги сифатида абдий, чексиз, макон ва замонда эркин ҳаракатланиш хусиятига эга. Инсоният ва жам-т ўз навбатида А.Р.нинг маълум босқичдаги намоён бўлишидир (қ.: Гегель).

АБСОЛЮТ (лот. ҳар қандай шартлардан озод, мутлақ, мушаккил, мукаммал) – фалда А. борлиқ ёки А. воқелик (Шеллингда), А. рух, яъни олий дунёвий ақл (Гегелда), А. шахс, яъни Худо (христианликда), А. қадрият (Платон асос солган метафизик идеализмда), А. ахлоқ, категория императив ёки бурч қонуни (Кантда), мушаккил мавжудотнинг индивидуалликдан юқори субстанциал асос (Фихтеда), прола (Шопенгауэрда), интуиция (Бергсонда). Билиб, англаб олинганлигидан қатъи назар ҳамма нарса А. аҳамият касб этади. Мас., мантикнинг «Агар икки қатталиқ учинчисига тенг бўлса, у ҳам ўзаро бир-бирига тенгдир» деган қонунда А. аҳамиятга эга бўлади. Баъзи бир фал-й таълимотларда мас., материализм ва унга асосланган фал-й тизимларда А.га ўрин қолдирилмаган.

АБСОЛЮТЛАШТИРИШ (лот. absolutus – мутлақ) – энг олий даражадаги мутлақлаштириш, ўз-ўзича мавжуд бўлган, бирон-бир чегара ва чек билмайдиган, ҳад-ҳудудсиз нарсалар ва объектлар бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги тасаввурларга асосланган услуб. Идеалистик фал-й қарашларда мутлақлик, чексизликни тарғиб қилувчи ёндашув. Унинг натижаси сифатида «абсолют рух», «абсолют «Мен» каби т.лар шаклланган. Қўллаб диний таълимотларда Худо б-н боғлиқ сифат ва хусиятларга ҳам абсолютлик белгиси сифатида қаралади. Гегель фал.сида бу услуб энг асосий т.ларни, яъни «абсолют борлиқ», «абсолют рух», «абсолют гоҳ» қабиларни тавсифлаш учун ишлатилган. Илм-фанда ҳам бирон-бир нарса ёки жисм хус-иятларини мутлақлаштириш сифатида бу услубдан фойдаланилади. «Абсолют қаттиқ жисм», «абсолют макон», «абсолют қатталиқ», «абсолют чексизлик» каби т.лар бунинг натижасидир. Билишда бирон-бир рад қилиб бўлмайдиган натижага (мас., «абсолют ҳақиқат»), аксиологияда қадри ва аҳамияти ҳеч қачон йўқолмайдиган қадрият шакллари («абсолют қадриятлар») нисбатан қўлланилади.

АБСОЛЮТ ВА НИСБИЙ ҲАКИҚАТ – ҳақиқат шакллари, инсон билимининг оламга мутлақ ва нисбий мослигини ифодаловчи ҳолатлар. А.

ва Н.х.лар масаласи инсоният ривожининг маълум босқичида кишининг билиш жиҳатидан мураккаб объектларни тугал англаш даъвосини қилишга қодир бўлмаган қад. даврлардаги дунёқараш муаммоси сифатида юзага чиққан.

А.х. (мутлақ) деганда ўз объектига айнан мос бўлган ва билишнинг кейинги тар-ёти давомида инкор этилмайдиган билим, ҳуло-са ва ҳукмлар тушунилади. Бундай ҳақиқат: а) ўрганилаётган объектларнинг умумий ва алоҳида томонларини аниқ-равшан билиш натижасидир; б) воқеликнинг муайян жиҳат ва хусиятларини тугал билишдир; в) нисбий ҳақиқатнинг кейинги билиш жараёнида ҳам сақланиб қоладиган мазмундир; г) олам, ундаги энг мураккаб системалар тўғрисида ҳеч қачон инкор қилинмайдиган тўлиқ билимдир.

XIX а. охири XX а. бошларида қадар табиатшуносликда, фалда ҳам, афтидан, ҳақиқат тўғрисида ана шу қайд этилган абсолют мазмун-моҳият тўғрисидаги қарашлар устуворлик қилиб келган. Оламда мавжуд ёки мавжуд бўлмаган бирон-бир нарса қайд қилинганда (мас., 1688 й.да қизил қон таначалари – эритроцитлар кашф этилган, 1690 й.да эсанурнинг қутбланиши кузатишган эди) бу ҳодисалар ёки структураларнинг кашф этилиш йўли «мутлақ» бўлиб қолмасдан, балки бу ҳодисалар воқеликдан жой олганлиги фикри ҳам эътиборга олинади. Бундай талқин қилиш «А.х.» т.сининг умумий таърифига тўғри келади. Бу ерда аслида биз «абсолют»дан фарқ қилувчи «Н.х.»га дуч келамиз.

«Ҳақиқат» т.сига қатъий фал-й таъриф берилганда, бундай билимга нисбий ҳақиқат мос бўлганлиги маъносиде, у ҳам абсолют ҳақиқат деб ҳисобланиши мумкин. Абсолют ва нисбий ҳақиқатлар ўртасида инсон томонидан воқеликни ҳиссий шаклда инъикос эттириш амалга оширилган пайтда ҳам ҳеч қачон муаммо бўлмайди.

Илмий наз-й билишга нисбатан абсолют ҳақиқат – бу нарса, мураккаб ташкил топган система ёки умуман олам тўғрисидаги тўлиқ, мукамал билим бўлса, нисбий ҳақиқат эса ушбу объект тўғрисидаги тўлиқ бўлмаган билимдир. Бундай нисбий ҳақиқатларга нисол – классик механик наз-ян ва нисбийлик наз-ясида. Классик механика воқеликни муайян соҳасининг изоморф инъикоси сифатида ҳеч қандай чеклашларсиз ҳақиқат наз-яси ҳисобланган эди. Яъни, маълум маънодаги А.х. сифатида қаралар эди, чунки унинг ёрдамида механик ҳаракатнинг реал жараёнилари тушунтириб ва олдиндан айтиб берилган эди. Нисбийлик наз-ясининг пайдо бўлиш б-н уни тўлиқ ҳақиқат деб ҳисоблаш мумкин эмаслиги маълум бўлиб қолди. Яъни классик меха-

ника механик ҳаракат образи сифатида тўлиқ бўлмади қолди, фаннинг ривож натижасида нарсалар соҳасида классик механикада бажарилмаган ҳаракат тавсифлари ўртасидаги боғлиқликлар очилди. Классик ва релятивистик механика изоморф инъикос сифатида ўзаро тўлиқроқ бўлмаган ва тўлиқроқ бўлган ҳақиқат тарзида намоён бўлади. Фикрий инъикос б-н борлиқнинг маълум соҳаси ўртасидаги абсолют изоморфизм эса бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлиги учун бунда ҳақиқат билишнинг ҳеч қандай босқичида қўлга киритилмайди.

А.ва н.х. тўғрисидаги бундай тасаввур илмий билиш тар-ёти жараёни ва илмий наз-ялар ривожини англаш б-н боғлиқ ҳолда бизни А.ва н.х.ларнинг ҳақиқий диалектикасини тушуниш томон етаклайди.

Фалда А.х. нисбий ҳақиқатлардан таркиб топади, деб ҳисобланади. Агар абсолют ҳақиқатни нисбатан тўлиқ бўлмаган билимлардан иборат чексиз ҳудуд деб ҳисобласан, унда бу ҳудуд ичидоги чекли майдонлар Н.х.ларни англатади.

Шу б-н бирга, нисбий ҳақиқатлар абсолют ҳақиқатнинг қисмлари ҳисобланади, демак, бир пайтда улар ҳам муайян даражада А.х. ҳамдир. Н.х. айни пайтда оддий А.х.га олиб борувчи эмас, балки А.х. таркибидоги инвариант мазмунга эга, ажралмас таркибий қисмдир. Биз антик атомистик концепциянинг XVII–XVIII а.ларга томон, кейин эса XX а. бошига қараб ҳаракатини қуриб чиқар эканмиз, бу жараёнда объектнинг ҳақиқатнинг ҳақиқий характерга эга ахборотлар ҳажмининг ўсиб бориши ҳисобига қўлайиши б-н боғлиқ йўналиш мавжудлиги қўзғат ташланади. Тўғри, юқорида келтирилган А.х.ни нисбий ҳақиқатлардан таркиб топиб борилишини аниқ-равшан кўрсатувчи схема баъзи тузатишларга ҳам ҳужжат. Шундай экан, атомистик концепциядаги ҳақиқат ҳоз. замон атомистик концепцияларининг ҳақиқат мазмунига ҳам қиради.

Фал-й адабиётларида Н.х. бир томондан объектив ҳақиқат, иккинчи томондан эса ҳатолликлардан иборатдир деган н. назар мавжуд. Биз юқорида объектив ҳақиқат тўғрисидаги масалани муҳокама этишни бошлаганимизда ва Демокритнинг атомистик концепциясини мисол қилиб келтирганимизда ҳам у ёки бу наз-яни «ҳақиқат – янглиш» н. назардан баҳолаш осон нш эмаслигини кўрган эдик. Тан олиш керакки, ҳар қандай ҳақиқат, ҳеч бўлмаганда нисбий бўлса ҳам ўз мазмунига қўра ҳамиша объективдир. Агар нисбий ҳақиқат таркибига ҳатолликни ҳам қўшсан, унда бу мисоли бутун бир қозон ошни бузадиган аччиқ қалампирга ўхшаб қолади. Оқибатда,

ҳақиқат ҳақиқат бўлмай қолади. Н.х. янглишиш ва ёлгонга оид қандайдир моментларни истисно қилади, яъни ҳақиқат нарса ўз оти б-н айтиладиган бўлса, ҳақиқат бу – ҳақиқат, хато ва ёлгон эса доимо ёлгон ва ҳатолангича қолаверади. Ҳақиқат барча замонларда реал ҳолатларни адекват акс эттирадиган ҳақиқатлигича қолади. Демак, нисбий ҳақиқат ҳам янглишиши ва ёлгонни истисно қилувчи объект ҳақиқатдир.

Бир объектнинг моҳиятини акс эттиришга қаратилган илмий наз-яларнинг тарихий тар-ёти мувофиқлик таъминлига таянади. Бу таъминий атоқли физик Н. Бор томонидан 1913 й.да асослаб берилган. Мувофиқлик таъминлига кўра, бир табиий-илмий наз-янинг бошқаси б-н алмашинуви факатгина тафовутларингина эмас, балки улар ўртасидаги боғлиқлик, ворислиқни ҳам аниқлаб беради. Янги наз-я эскисининг ўрнига келар экан, олдингисини оддийгина инкор қилиб қолмайди, балки маълум шаклда уни сақлаб ҳам қолади. Бунинг эвазига олдинги наз-ядан кейингисига ўтиш мумкин бўлади. Мас., квант механикаси қонунлари классик қонунларга квант таъсири қатталигини сақлаб қолиш мумкин бўлган шарафларда ўзлигини намойён қилади.

Кўп ҳолларда ҳақиқат мазмунига кўра объект, шаклига кўра нисбийдир. Ҳақиқатнинг объективлиги вақт ва замондаги ўтиш маъносига кетма-кетлик, изчиллик ва ворислиқнинг асоси ҳисобланади. Ҳақиқат бу жараёндир. Объектив ҳақиқатнинг жараён бўлиш хус-яти икки хил тарзда намойён бўлади: биринчидан, бу объектни тўлиқроқ инъикос эттиришга томон қаратилган ўзгаришлар жараёндир, иккинчидан эса концепциялар, таълимотлар структурасида ҳаттолик ва янглишишларга барҳам бериш жараёни ҳамдир.

Унчалик тўлиқ бўлмаган ҳақиқатдан янада тўлиқроқ ҳақиқатга томон ҳаракат, яъни унинг тар-ёти жараёнида ҳар қандай ҳаракат сингари барқарорлик ва ўзгариувчанлик моментларидан иборатдир. Бу моментлар биргаликда улар билимнинг ҳақиқийлик мазмунини ўсишини таъминлайди. Бу бирлик бузилганда ҳақиқатнинг ўсиш секинлашади ёки бутунлай тўхтади. Барқарорлик моментининг мутлақлаштирилиши (ўзбекиши) тўғрисида доғматизм, шовинизм, шахсга сўғиниш каби-лар келиб чиқади. Ўтган а.нинг 20-й.лар охиридан бошлаб 50-й.лар ўртагаригача И. Сталин шахсига сўғиниш б-н боғлиқ ана шундай вазият юзага келган эди.

Билимнинг нисбийлигини мутлақлаштириш бир концепциянинг бошқаси б-н алмаштирувчи маъносидан бехорчи скептицизм ва охир-окибатда

агностицизмни келтириб чиқаради. Бунда релятивизм ягона дунёқараш дастури бўлиб қолиши, билиш соҳасида тушунлиқ қайфиятини келтириб чиқариши ҳам мумкин. Гносеологик релятивизм сиртдан доғматизмга қаршидир. Бироқ улар барқарорлик – ўзгариувчанликда, ҳақиқат абсолютлик нисбийликдадир, улар бири-бирини тўлдирди, деган масалада бир томонни мутлақлаштиради.

Аслида, доғматизм ва релятивизмга қарама-қарши ҳақиқатни шундай тушуниш лозимки, унда абсолютлик ва нисбийлик, барқарорлик ва ўзгариувчанлик бири-бирини тўлдирсин, бир бутун қилиб бирлаштирсин. Илмий билим тар-ёти унинг бойиб бориши ва конкретлашуви. Ана шу тарзда фан ҳақиқийлик потенциални системали равишда ўстириб боради. Ушбу шаклдаги уринишларнинг ҳар бири ҳақиқийлиқнинг муайян мезонини ифода қилади, улар тенг моҳиятли бўлмаган тақдирда ҳам, ўзаро бирлик ва алоқадорликда намойён бўлади.

АБСТРАКТЛИКДАН КОНКРЕТЛИККА ЎТИШ – бирон-бир объектнинг бутунлигини наз-й равишда онда тақдор ҳосил қилиш усули, абстрактликдан конкретликка қараб юқорилаб боришдан иборат бўлиб, бу жараён илмий билим рив-ши, объектнинг т.ларда муайян тизим асосида акс эттиришнинг умумий жараёнини ифода қилади. Абстрактлик (лот. abstractio – маълумлик) – бутуннинг қисми, бир парчаси ёки томони. Конкретлик таркибли, мураккаб, кўп ёқлама демакдир. Т.ларда тадқиқ қилувчи объектнинг объектив бўлақларга бўлиниши ва унинг барча томонларининг бирлигини акс эттирувчи усул бўлган абстрактликдан конкретликка қараб юқорилаб бориш аввал конкретликдан (мушоҳадага асос бўлган нарсаси) абстрактликка қараб ҳаракат қилишни назарда тутди. Шу ҳаракат тўғрисида объектнинг айрим томонлари ва ҳоссаларини акс эттирувчи т.лар ҳосил бўлади. Улар бутуннинг ўзига ҳос мазмун б-н белгиланадиган моментлари (нукталари) деб қаралган тақдирдагина уларнинг ўзлари тушунарли бўлади. Шу ўрганиладиган предмет, тадқиқотнинг бошланғич нуктаси сифатидаги конкретлик (ҳиссий конкретлики) б-н тадқиқотнинг тугалланиши яқуни сифатидаги, объект ҳақида илмий т. сифатидаги конкретлики (фикрий конкретлики) ажрата билиш керак.

АБСТРАКТ ТАФАККУР – эмпирик ва наз-й билишнинг умумийлигидан ҳосил бўладиган тафаккурнинг олий шакли, тил, т., ҳукм, ҳулоса, мулоҳаза ва мушоҳада қабилар мажмуи, ақлий билиш босқичи. У мукаррар тарзда инсоннинг абстрак-

ция қобилияти б-н ўзвий боғлиқдир. Бу қобилият эса инсон тар-ётида мулоқот учун зарур бўлган тилининг пайдо бўлиши ва шаклланишида қатъий роль ўйнади. Тил сўзлари у ёки бу тасаввурлар, абстракциялар орқали мустаҳкамланади, бу эса уларнинг мазмунини вазиятга боғлиқ бўлмаган ҳолда қайта ҳосил қилиш имконини беради. Нутқ тасаввурларни онгда эркин фаоллаштириш имконини беради ва қайта тиклаш қобилиятини мустаҳкамлайди. Тил тўғрисида тасаввурларни қайта ишлаш ва ҳаёл суриш, ўйлаш жараёни жуда енгиллашади. Фикрий мазмунни қайта тиклаш жараёни тез амалга оширилади, онг сезиларининг устуворлигидан «қутулади», фикрлаш, ҳаёл суриш эркинлигига эга бўлади. Ўйлаш ва ҳаёл суриш низоҳатда тез даражада амалга оширилади ва унинг қамров соҳаси тўхтовсиз равишда кенгайиши мумкин. Тилсиз эркин ҳаёл суриш ҳам, тасаввурлар ҳам йўқ, лекин тил ҳам ўз навбатида онгсиз, мазмунсиз бўлиши мумкин эмас. Инсон меҳнати, онги ва нутқи ўзининг пайдо бўлиши жараёнида учта мустақил жиҳатдан иборат эмас, балки бир бутунлиқ тарзида, турли алоҳида ҳолатлар, хус-н, ижт-й хус-ятлардан ҳам иборат бўлади. Уларнинг ҳар бири бошқасисиз намойён бўлиши мумкин эмас, балки биргаликда, яхлит бир бутунлиқни ҳосил қилгани ҳолда бири иккинчисини вужудга келтиради.

Сўз б-н боғлиқ бўлган эркин тасаввурлаш қобилияти тўғрисида, ш-дек, тасаввурларни таққослаш, уларни таҳлил қилиш, нарсаларнинг умумий белгиларини ажратиш ва уларни алоҳида гуруҳларга бирлаштириш тўғрисида нарсаларнинг умумий жиҳатларини қайд этадиган ўзига ҳос тасаввурларни шакллантириш мумкин бўлади. Булар конкрет индивидуалликка эга бўлганлиги учун ҳиссий-сенситив характерда эмас, балки уларга ҳос қандайдир умумий белгига мос келадиган, функционал белгига кўра ажратиладиган индивидуал нарсалар гуруҳининг умумий хус-ятлари тўғрисидаги «тасаввур», ҳолос. Бундай умумий хус-ятлар муайян атамалар, мас., «одам», «олам», «уй» каби сўзларда ифодаланади. Мантиқ, психология ва фал.да т.лар деб тақлиқ қилинадиган ана шундай атамалар қўлаб «тасаввурлар» пайдо бўлди.

Кишиларда воқеликни абстракт – фикрий акс эттира оладиган қобилият асосида пайдо бўладиган ҳамда ривожланидиган инъикоснинг дастлабки ва етакчи шакли т.дир. Инсоннинг абстракт фикрлаш қобилияти т.лар б-н бирга воқеликни ақлий ўзлаштиришнинг бошқа шакллари ни ҳам ўз ичига олади. Классик формал мантиқ фанига кўра, тафаккурнинг муҳокама юритиш (ҳукм) ва ху-

лоса чикариш шакллари ҳам борлиги маълум. Тлар ва ҳукмлар асосида хулоса шаклланади. Хулоса чикариш шундай муҳокима юритишнинг, унинг ёрдамида мантикаан янги ҳукм ҳосил қилинади. Улар ёрдамида инсон мураккаб даражада ташкил топган моддий тизимларнинг чуқур моҳиятига кириб боришга қодирлар.

Хуллас, абстракт тафаккурни воқеликни ҳиссий акс эттиришдан фаркланувчи қуйидаги жиҳатларини санаб ўтиш мумкин: 1) нарсалардаги умумийликни акс эттириш олиш; ҳиссий акс эттиришда алоҳида нарсалардаги умумий ва яқка белгилар ажратилмайди, балки ягона образ ҳолида намоён бўлади; 2) нарсалардаги муҳимликни акс эттириш олиш; ҳиссий акс эттиришда муҳим номуҳимдан ажратилмайди; 3) нарса ва воқеаларнинг моҳиятини билиш асосида ғоя шаклидаги тларни ярата олиш; 4) воқеликни бевосита билишда ҳиссий акс эттириш орқали ҳам, турли асбоб-ускуналардан фойдаланиш ёрдамида ҳам, ҳукм ва хулоса чикариш воситасида ҳам умумий натижага эришиш.

Ушбу барча ҳолатлар инсоннинг абстракцияларни ҳосил қилиш қобилиятининг намоён бўлишдир. Бунда иккита хулоса муҳим: 1) инсоннинг ҳиссий қобилиятларини амалга ошириш абстракт тафаккур механизми ёрдамида содир бўлади, бунда рационаллик воқеликни ҳиссий бўлиш мазмунига кириб боради; 2) инсоннинг абстракт-фикрий қобилиятларини амалга ошириш рационал билиш натижаларини эгаллаш ва ифодалаш сифатида (образ-моделлар, образ-символлар шаклида) қўлланиладиган объектларни ҳиссий акс эттириш натижаларига мувожаат қилиш орқали ҳосил қилинади. Яъни, реал инсон онгида ҳиссийлик рационаллик б-н, рационаллик эса ҳиссийлик б-н аралашиб, бир-бирига сингиб кетади. Бу эса, ўз навбатида, А.т.нинг энг муҳим хус-яти ҳисобланади.

АБСТРАКЦИОНИЗМ (лот. abstractio – чалғитиш) – санъатда ХХ а.дан бошланган йўналиш. Энг йирик вакиллари К. Малевич, В. Кандинский, П. Мондриан, П. Клее ва б. Унинг асосий гоялари В. Кандинскийнинг «Санъатдаги руҳийлик» китобида баён қилинган. «А.» т.си ўрнига қўпинча буюмсиз санъат, шаклсиз санъат т.лари ҳам қўлланилади. Ушбу йўналиш наз-йчилардан бири Мишель Сейфор фикрига кўра, рангта-сирда ҳаққонийлик сезилмагандаги на у ҳақиқий абстракт бўлиши мумкин. А.нинг яна бир йўналиши П. Сезанн ижодида, кейинчалик, кубизм ва фовизм йўналишларида намоён бўлган. Шу йўналишдаги Де Стейннинг «Услуб» гуруҳи (1917) П. Мондриан ва Т. Ван, Дусбурглар

бошчилигида фаолият юритган. Россияда М. Ларионов, О. Розанова, Л. Попова, К. Малевич ва б. шу йўналишда ижод қилишган. ХХ а.нинг 50-й.ларида АКШда А.нинг яна бир янги тури – «абстракт экспрессионизм» юзага келган (М. Ротко, А. Горкиво ва б.). Ўз-нда Л. Лана, А. Бахтеев, Т. Чуб, Ф. Гамбаровалар ижоди абстракционизм йўналишига мисол бўлади.

АБСТРАКЦИЯ ТУШУНЧАСИ (лот. abstractio – мавҳумлик) – билиш шаклларида бири бўлиб, у нарсаларнинг бир қанча ҳоссаларини ва улар ўртасидаги мун-тларни фикран назардан соқит қилишдан ҳамда бирон-бир ҳосса ёки мун-тни ажратиб қўрсатишдан иборат. А.т. илк бор қад. Юнон фэй-фи Аристотель томонидан қўлланилган. Рим фэй-фи Бозций (Анаций Манлий Северин 480–524) илмий таомилга киритган. А. мавҳумлик, назардан соқит қилиш жараёни ва унинг натижаларини ҳам билдиради. А.. мавҳумлик жараёнида баъзан инсоннинг айрим субъектив имкониятларини ҳам назардан соқит қилишга тўғри келади. Мас., сонларнинг бутун натурал қаторини санаб қилиш мумкин эмас, лекин шундай бўлса-да, бундай имкониятни назардан соқит қилган ҳолда долзарб (яъни, «санаб чиқилган») «туғалланган» (ниҳоясизлик мавҳумлиги) вужудга келтирилади. А. (мавҳумлик) жараёнининг натижалари сифатида турли тлар ва категориялар, мас.: борлик, ҳаракат, қиймат юзага келади.

Хар қандай билиш мавҳумлик жараёнилари б-н заруран боғлиқ. Бу жараёнларсиз нарсанинг моҳиятини очиб бериш, унинг ичига чуқур кириш мумкин эмас. Нарсани бўлакларга бўлиш унда муҳим томонларни ажратиш, уларни «соф» ҳолида хар томонлама анализ қилиш – буларнинг ҳаммаси тафаккурнинг мавҳумлаштирувчи фаолияти натижасидир. Билиш жараёнида А.нинг аҳамияти жуда катта. Билиш реал борлиқдан мавҳумлик томон юрлялашиб борганда, агар у тўғри бўлса, ҳақиқатдан узоқлашмайди, балки унга яқинлашиб боради. А. нечоғлик қинамак илмий бўлишига қараб амалиёт мезони тарзда хизмат қилади. Борлик ҳақидаги фал-й таълимот А. жараёнини ва унинг натижаларини илмий равишда изоҳлайди.

АБСТРАКЦИЯ ТАМОЙИЛИ – мантикда мавҳумлаштириш орқали аниқланадиган ва уч хил универсалияларни ўзаро боғловчи тамойил. Бу универсалияларга синфлар, ҳосса ва мун-тлар, тенгликлар қиради. А.т.га кўра, маълум қўпликда аниқланган интилган тенглик нисбати бу қўпликни таснифлайди

(яъни ўзаро кесишмайдиган жуфт ва тенг усурлардан ташкил толувчиларга бўлади). Қўрсатилган синфлар абстракция синфлари дейилади, булиниш эса (бу синфлар оиласи) ушбу мун-т бўйича фактор – қўплик деган ном олган. А.т. орқали бир-бирдан фаркланмайдиган айниятларни ўзаро алмаштириш имкониятидир. Бу хулоса моделлар наз-ясида стандарт универсумлар олишда иш-латилади. Абстракт қўпликлар наз-ясига кирувчи теоремалар ёки аксиомалар сонига кирувчи махсус А.т. ҳам бор. А.т.нинг махсули сифатида турли т. ва категориялар юзага келади (материя, ҳаракат, қиймат ва б.). Хар қандай билишда А.т.сиз бирор натижага эришиб бўлмайди. Унинг-н с предмет моҳиятини очиш, унинг ички табиатига қириш мумкин эмас. Нарса, ҳодиса, предмет бўлакларга бўлиш, уларни ўрганиш, билиш, ажратиш А.т. орқали бажарилади.

АБСТРАКТЛАШТИРИШ ВА ИДЕАЛЛАШТИРИШ МЕТОДЛАРИ – хар қандай тадқиқотнинг умумий-й усуллари. Тадқиқот максадларига кўра абстракташнинг хилма-хил турларини ажратиш қўрсатилади. Нарсалар мажмуи ёки оиласи тўғрисида умумий т. ҳосил қилиш зарур бўлса, айнанлаштириш абстракциясидан фойдаланилади. Бунда муайян ҳанзот ёки нарсалар оиласига ҳос баъзи белги ва ҳоссалар фикран эътибордан соқит қилинади ҳамда ушбу оиллага ҳос бўлган умумий белгилар ажратиб олинади. Ш-дек, аналитик абстракция тури ёки ажратувчи абстракция шакли ҳам бор.

Идеаллаштириш гарчи абстракташтиришнинг бир тури бўлса-да, билишнинг нисбатан мустақил усулидир. Маг.да «нукта», «чизик» ёки физикада «идеал газ» каби т.лар идеаллаштириш натижалари бўлиб ҳисобланади. Идеаллаштириш жараёнида нарсанинг реал ҳоссалари реал имкон қадар узоқлашлади. Идеал объект деб аталувчи нарса ҳосил қилинади, унинг ёрдамида реал объектларни билиш учун наз-й тафаккурдан фойдаланилади. Мас., моддий нукта т.си ҳақиқатда биронта ҳам объектга мос келмайди. Бирок, идеал объект б-н ишляётганда бирон-бир механик қурилма (снаряд), сунъий йўлдош, Кўёш тизими сайёраси каби реал объектларни наз-й тушунтириш ва улар табиатини тахмин қилиш имкониятига эга бўлиниди.

АБСУРД (лот. absurdus – сохталик, қалбакилик) – муайян нарса, ҳодиса, фикр ёки хулосанинг бемаъни, нотўғри ва ясама эканини ифода қиладиган т. Мантикда хулоса ва ҳукмларнинг ҳақиқатга мос келмаслигини, санъат ва адабиёт-

да эса, сохта руҳ ҳамда хус-ятларини акс эттиради. Фан ва фал да муайян ғоялар, қараш ҳамда таълимотларнинг таърифи, таълими, ҳаётга мос келмаслиги, одамларни ҳақиқатдан йироқ макссадлар томон бошлаши б-н боғлиқ ҳолатларни ифодалади учун қўлланади. Абсурдизм XX а. жаҳон адабиётида ҳаётнинг айрим томонлари бемаъни ва мантиксиз эканини тасвирлайдиган оқим сифатида шаклланди. Унда XX а. воқелигидаги мураккаб, зиддиятли жараёнлар ўз ифодасини топган. Инг. драматурги С. Беккет, франц. адиби Альбер Камю унинг энг йирик вакиллари. Камюнинг катта шов-шувларга сабаб бўлган «Бегона» кинесаси (1942) – XX а. франц. адабиётининг машҳур а-рларидан бўлиб, унда А. ғояси ёркин ифодаланган. Умуман, ҳаётни А. яъни бемаъни воқелик сифатида ҳис қилиш ва шу. уни тарқ этиш майлларни Ғарб оламида кенг тарқалган. Мас., бу борада инг. адиби Роберт Л. Стівенсоннинг катта шовшувга ва жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлган «Хукушлар клуби» (хукушлик – ўз жонига қасд қилиш маъносини англатади) кинесаси бунга яққол мисол бўлиши мумкин.

«АБУ БАКР САҲИФАЛАРИ» (ас-Суҳуф ал-Бақрийя) – Мухаммад (с.а.в.)нинг вафотидан кейин мусулмонларга бошлиқ бўлган Абу Бакр топиширигига қура. Зайд ибн Собит ва б. қориларнинг машаққатли уринишлардан кейин, Қуръонни кийик терисидан бўлган саҳифаларга ёзиб чиқилган энг биринчи нусха-си. Унинг яратилиш тарихига қура, воқеалар ривож шундай кечдики, Мухаммад (с.а.в.)нинг вафотидан кейин Қуръон кишиларнинг хотири-сида ва ёзган нарсаларида сакланиб қолди. Пайгамбар (с.а.в.)дан сунг мусулмонларга бошлиқ этиб сайланган Абу Бакрнинг халифалик даври-да (632–634) мўминлар ва муртадлар (диндан қайтган) ўртасида шиддат-ли жанглар (Ридда воқеалари) бўлиб ўтди. Ушбу жангларда Қуръонни тўлиқ ёд олган муқрилар (қорилар) кўплаб шахид бўлди. Шунда булажак халифа Умар ибн Хаттоб (634–644) Абу Бакрга: «Барча қорилар шу зайл-да ўлиб кетаверса, Қуръон нуқсонли бўлиб қолиши мумкин, ш.саб. уни жамлаб китоб ҳолига келтириш зару-ри» деган маслаҳатини беради. Ав-валига Абу Бакр иккиланиб тура-ди, чунки бу иш Пайгамбар (с.а.в.) ҳаётлик пайтларида қилинмаган ва бу ҳол бизда деб қабул қилиниши мумкин эди. Кейинроқ Абу Бакр ҳам Қуръонни китоб шаклига келти-риб қўйиш заруригини англаб етди ва Зайд ибн Собит исмли саҳобани чақириб, бу ишни унга топиради. Шундай қилиб, Зайд ва б. қорилар машаққатли уринишлардан кейин

Қуръонни кийик терисидан бўлган саҳифаларга ёзиб чиқдилар ва боғлаб Абу Бакрнинг уйида сақлаб қўйдилар. Бу жамланма кейинчалик «ас-Суҳуф Ал-Бақрийя» – «А.Б.с.» деб номлан-ди. Абу Бакр оламдан ўтгандан кейин жамланма Умар ибн Хаттоб уйига, у оламдан ўтгандан сунг, унинг кизи – Пайгамбар (с.а.в.)нинг аёли Ҳафсада қолди. Вақт ўтиши б-н ислом давла-тида турли сиёсий ғуруҳлар пайдо бўлди. Улар ўртасидаги зиддиятлар халифа Усмон ибн Аффон (644–656) даврида ўткирлашди. Хар бир ғуруҳ ўз сиёсий иддаоларини Қуръон орқали асослашга уринар эди. Қуръонни ўқишдаги турли ихтилоф-лар бунга асос яратарди. Бу ихти-лофларни бартараф этишни истаган халифа Қуръоннинг янги тахририни кўчиришга буйруқ беради. Халифа Усмон ибн Аффон топиширигига би-ноан Зайд ибн Собит барча Қуръон кисмларини йигиб, таққослаб чиқиб, қайтадан Қуръонни Карим матнини жамлади. Қуръоннинг бир-инчи расмий нусхаси 651 й.да халифа Усмонга тақдим этилди. У асл нусха ҳисобланиб ундан яна учта, баъзи манбаларга қура еттига нус-ха кўчиртирилиб, араб аскарлари турган йирик шаҳарлардан – Бас-ра, Дамашк, Куфага жунатилди. «Имон» деб номланган асл нусха эса Мадинада, халифа Усмон ҳу-зурида қолди. Кўчирилган нусха-лар «Мусхафи Усмон» деб атал-ди. Аста-секин ана шу нусхалар кўпайтирилиб, Қуръонни Карим бу-тун Ер юзига тарқалиб кетди.

АБДУЛАЗИЗ ҲАЛВОНИЙ, тў-лик исми – Шамсул-аннума Абду-лазиз Аҳмад ибн Наср ибн Солих Ҳалвоний – Мовароуннахрнинг ато-ли ханафий олимларидан. Дастлаб Бухорода тахсил олган, кейин илм та-лабида кўпгина мам-тларга сафар қилган. Сарахсий, Фахрул-ислом Паз-давний, Абул Юсф Паздавний, Зара-нжий каби олимлар унинг шоғирлари-дир. Унинг фикрга оид «ал-Мабсут» а-ри ўз даврида машҳур бўлган. Олим мил. 1056 й.да Кешда вафот этган.

АБДУЛКАРИМ АС-САМЪО-НИЙ, тўлиқ исми – Абдулкарим ибн Мухаммад Самъоний ал-Марвазий Шофийий – ҳиж. 506 й.да Марвад тугилган. У муҳаддис, ҳофиз, та-рихчи, муфасссир олим бўлган. А-р-ларидан «Ансобус-Самъоний» «Та-риху Марв», «Тирозу-заҳаб фи ада-бит-толиб», «Ат-Тазкира ва-таб-сира», «Адабул-қозий», «Қуррос», «Тахзибут-тахбир», «Ал-Муъжамул-кабийр» ва «Китобут-тахбир фил-муъжамил-кабийр»лар машҳур. Олим ҳиж. 562 й.и Марвад вафот этган.

АБУ АЛИ ИБН СИНО, Ҳусайн ибн Абдуллох (лот. Авиценна,

980, Бухоро – 1037, Ҳамалон) – бу-тун дунёга машҳур мутафаккир ва комусий аллома, ҳоз. Бухоро вило-яти ҳудудидagi Афсона кишлоғида тугилган. Дастлабки таълимини шу жойда олган, 6 ёшида ўқиб ва ёзи-шни урганган, 15 ёшида табиий фан-лар (арифметика, геом., алгебра) ва ҳуқуқ асосларини эгаллаган, 21 ёши-да илк китобини ёзган. Бир муддат Эронда яшаган, сосонийлар таназ-зулга учрагач, юртига қайтган ҳамда Хоразмшоҳ Маъмун Академияси-да Беруний б-н бир даврда фаолият олиб борган. Ҳаёти давомида кўплаб мам-тларга саёхат қилган, умрининг сунгги й.ларини Ҳамалонда ўтказган ва шу ерда вафот этган.

И. С. тиббиёт, фал., мантик, психо-логия, физиология, ахлоқшунослик, табиатушнослик, пед., мусикашунос-лик каби кўплаб соҳаларда қалам тебратган. Ундан бизга 280 дан зиёд а-рлар мерос бўлиб қолган. Улардан 50 таси тиббиётга, 40 тадан ортиғи таби-ат ва гуманитар соҳаларга, 3 та рисола мусикага, 185 таси фал., мантик, пси-хология, ахлоқ-оқоб ва ижт-й-сиёсий муаммоларга тааллуқлидир.

И. С. фикрига қура, барча мавжу-дотнинг асоси ва ибтидоси «Вужуди вожибдир, яъни Тенгридир. Вужуди вожиб – бу биринчи моҳият, жавҳар. Унинг мавжудлиги сабабининг бошқа нарсалардан ахтариш уринсиздир. Чунки, биринчи сабаб унинг нати-жаси бўлган хилма-хил жараёнлар-нинг моҳиятига боғлиқ бўла олмайд-ди. Вужуди вожибнинг мавжудлиги унинг ўзига боғлиқ. У мустақил, яго-на моҳиятдир. Унинг зотида камчили-клар ва нуқсонларнинг учраши имко-ниятдан ташқариладир. Доимий фал-олик бу биринчи сабабнинг муҳим ҳус-ятини ташкил қилади. Биринчи сабаб баъзан фаол, баъзан эса сует бўлиши мумкин эмас. Унинг яратиш-дан толиқиши, бу фаолиятни амал-га оширишни истамаслиги биринчи сабабга зиддир. Истамаслик, маъкул қурмаслик Яратувчининг қодир, раҳмдил каби сифатларига пугур ет-казди. Вужуди вожибнинг оқибати «вужуди мумкин»дир. Вужуди вожиб ва вужуди мумкин вақт н. назари-дан фарқланмайд. Улар ўртасидаги фарқ аслида нафислик даражаси б-н белгиланади. Ҳаракат вужуди мум-киннинг ички моҳиятидан келиб чиқади ва оқойишталик б-н бир-га мавжуд бўлади. Ҳаракат – бу аш-лар, ҳодисаларда содир бўладиган ўзгаришдир. Демак, ҳаракат жисмлар-нинг узаро урин алмашувига бўлиб қолмасдан, балки кенг маънода улар-нинг ўзгариши, бир ҳолатдан иккин-чи ҳолатга ўтишидир. Мутафаккир барча фал-й фанларини икки қисмга наз-й ва амалий фал.га бўлади. Наз-й фан метафизика (юқори даражадаги фан), мат. (ўрта босқиндаги фан) ва физика (фаннинг пастки қатлами)дан

ибора. Метафизика мутлак борлик ва унинг умумий ҳолатларини мавҳум категориялар воситасида ўрганади. Илоҳиёт метафизиканинг таркибий қисми ҳисобланади. Мат. жисмларнинг соф микдорий мун-тларини, физика эса табиатни тадқиқ этади. Амалий фал. снёт, ҳуқуқ, иқтисодиёт, ахлоқ-одобни қамраб олади. И. С. маантиқини ўзининг илмлар таснифига киритмайди, уни билишнинг воситаси деб ҳисоблайди. Олим илм соҳаларининг таснифини тузар экан, уни воқеий олам ҳодисалари реал шароитдан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этади. И. С.нинг табиий-илмий қарашлари серкирралдир. У жисмларнинг ўзаро бир-бирга таъсир, алоқадорлик, зарурий ва тасодифий боғлиғини тўғрисида муҳим маълумотлар қолдирган. Олим ўзининг «Табиат дурдонаси» а-рида кўпчиликка гапиртабиий туюлган сароб, жисмларнинг солиштирма оғирлигини, чаклок, момакалдирик, нур, ёмғир, тоғларнинг емирилиши, электр ҳодисаси ҳақида қимматли маълумотлар берган.

И. С.нинг билиш таълимотида қузатув ва тажриба муҳим ўрин эгаллайди. Олим улар орқали жисм ва моддаларнинг солиштирма оғирлигини, одамларнинг ҳасталиғи ҳолатларини, дори-дармонлар таркиби, метёри, қасалларга даво бўла оладиган микдорни, касалликнинг инкирози ва соғайиш аломатлари каби ўта муҳим муаммоларни қомил ишонч б-н ҳал этишга жазм қилган. И. С.нинг меросида илм ва ахлоқ бирлиги муаммоси алоҳида аҳамиятнинг ўрин эгаллайди. Ахлоқий равақ инсон зотига ҳосдир, чунки у ақлнинг улкан қучи, тафаккурнинг фаоллигига асосланиб, ҳақиқат б-н ёлғон-шиқ ўртасидagi чегарани белгилаб олибгина қолмасдан, балки дустнинг душмандан фарқини билиб олади.

Агар нарсалар, жараёнларнинг моҳиятини билишда интеллектуал етуқлик, олимлик салоҳияти муҳим бўлса, ахлоқий қамолотга эришиш учун бундай фазилатларнинг ўзи етарли эмас. Илм ва ахлоқий фазилат муштараклиги инсонни дошманд ва олийжаноб шахсга айлантиради. Ахлоқий равақ имконияти шубҳасиздир, чунки «гузалликка ва ахлоқий қамолотга интилиш инсонга ҳос ҳус-ятдир». Таълим-тарбия, бошқа кишилар таъсири остида инсон ижобий ахлоқий фазилатларни ўзида шакллантиради ёки иллатли сифатлар, ҳус-ятларнинг соҳибига айланади. Бунда одатнинг қуввати қону қучига эгадир. Ҳар бир инсон томонидан ўзида ижобий ахлоқий фазилатларини қамол топтириш қанчалик қийин бўлса, салбий сифатлардан қутулиши ундан ҳам мураккабдир.

И. С.нинг ижт-й-сиёсий қарашлари унинг амалий фал.сида кўриб чи-

қилган. Арасту ва Фөроби изидан бориб, инсонни ижт-й-жонзот деб таърифлайди. Кишиларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги улар ҳаётининг ягона таянчидир. Жамиятнинг барқарорлиги унинг аъзолари учун бир хил мазмунга эга бўлган қону ва адолатли ҳукмининг мавжудлигига боғлиқдир. Жамиятнинг барча аъзолари ижт-й-фойдали фаолият б-н банд бўлишлари лозим. Бажариладиган вазифаларга қараб, улар мансабдор шахсларга, ишлаб чиқарувчилар, савдо-сотиқ б-н машғул кишилар ва харбийларга бўлинади. И. С.нинг фикрича, ижт-й адолат – бу жам-т аъзоларини зўрма-зўраки тенг ҳолатда сақлашдан иборат эмас. Барча кишиларнинг шох ва султонларга айланиши ёки ҳамманинг қашшоқлардан иборат бўлиши нореалдир. Бундай вазият табиий ва ижт-й қонуқондаларга тубдан зиддир. Жамиятда тенгсизлик ҳукмронлик қилади. Соҳиблар ва гуломларнинг мавжудлиги қонуний ҳолдир. Уни ҳеч қандай қуч-қудрат, истак-хоҳиш ўзгартира олмайдди, чунки ҳар бир қимса ўзининг меҳнатдаги фаолиятига, савий-ҳаракатларига қараб орзумидига, максасига эришади.

Абу Алиннинг табиий-илмий, фал-й, ижт-й-сиёсий, ахлоқий қарашлари ўз даврининг кўзгусидир. Улар Яқин ва Урта Шарқ фал-й тафаккури ривожига муҳим ўрин эгаллади. Ибн Синонинг тиббиёт соҳасидаги шухрати фал. жабҳасида эришган мартабасидан кам эмас, албатта. Урта а.лар ва ундан кейинги даврда алломанинг исми қад. тиббиётнинг йирик намоёндалари Гален ва Гиппократ б-н ёнма-ён қўйилиши бежиз эмас. У ўзининг кўп жилдли «Тиб қонуқлари» орқали бугун жаҳонга машҳур бўлди. Ўз давридаги қасалликлар ва уларни даволаш усуллари буйича бу қомусий а-рда маҳаллий халқ ҳамда юнон, ҳинд, эрон ва араб тиббиёти эришган улкан ютуқлар умумлаштирилган, ажойиб гоялар илғари сурилган. А-р XII а.да лотга таржима қилингандан сўнг бутун Европа у б-н танишишга муяссар бўлди. Беш а. давомида «Тиб қонуқлари» ўрта а.лар Европаси ва Шарқ тиббиётининг синалган пойдевори, деб саналиб келинди. «Тиб қонуқлари» ва тиббиётга оид унинг бошқа а-рларида қомусий илмлар соҳибининг табиий-илмий қарашлари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

И. С.нинг табиий-илмий, фал-й, ижт-й-сиёсий, ахлоқий қарашлари ўз даврида муҳим ижобий роль ўйнади ва ундан кейин ижод этган мутафаккирлар дунёқарашининг шаклланишига самарали таъсир кўрсатди. И. С.нинг асосий а-рлари: «Тиб қонуқлари», «Қитоб аш-шифо», «Қитоб ун-нажот», «Қитоб ал-инсофи», «Донишномаи Алоийн», «Қурозан та-

бият», «Тадбири манзил», «Рисолаи ахлоқ», «Рисолаи ишқ» ва б.

АБУ МУСЛИМ (лақаби; бошқа лақаби Абу Муслим, Абу Муслим Хурсоний, Абу Муслим Марвазий; асл исми Абдурахмон) (тахм. 727–755) – Хурсон ва Мовароуннаҳрда уммавийлар сулоласига қарши ҳаракат раҳбари. А. М. Хурсоннинг Мадойин шаҳрида 755 й. 12 февралда халифа қабулида бўлган чоғида ўлдирилган. Саккиз й.лик фаол диний-сиёсий фаолияти даврида унинг ўлими маздакийлар, шиаларнинг бир қанча кўзгоғолларини келтириб чиқарган. «Ашаддий» шиаларнинг айрим фирқалари уни имом деб тълон қилган. Абу Муслимнинг фирқаси пайдо бўлган. Буларнинг сўнгги ақс-содоси Муқанна кўзгоғолни ҳисобланади. А. М. ҳақида Марвада удул бўлган ривоят, афсоналар кейинчалик халқ романи – узб. «Абу Муслим жангномаси», форс тилида «Қиссаи Абу Муслим»га асос бўлган (Ислом. Энциклопедия. – Т.: «Ўз-н миллий энциклопедияси», 2003).

АБУБАҚО ИБН БАҲОВУД-ДИН (XVI а.нинг I-ярми – XVII а.нинг I-чорағи) – тарихчи. Ҳожа Аҳмад ибн Жалоуддин Қосоний (Маҳдуми Аъзам)нинг набираси бўлиб, Абдулазизхон (1540–49) саройида кичик давлат лавозими (хукмгир)да турган. У бобосига атаб «Жомеъ ул-макомоти Маҳдуми Аъзам» (Маҳдуми Аъзам макомотининг мажмуи) китобини ёзган (1617). Бу а-рда Маҳдуми Аъзамнинг ҳаётига оид маълумотлардан ташқари, Мовароуннахрнинг XVI а.нинг I-ярмидаги ижт-й ва сиёсий аҳволи ҳамда шайбонийлар б-н Эрон ўртасидаги мун-тларга оид қимматли маълумотлар бор (Ислом. Энциклопедия. – Т.: «Ўз-н миллий энциклопедияси», 2003).

АБУ ХАНИФА, Нуъмон ибн Собит Қуфий; Имоми Аъзам (699–767) – ҳанафийлик мазҳаби асосчиси, ислом илоҳиётчиси, муҳаддис ва фикшунос. Қуфада ўзига тўқ онлада тугилган бўлиб, олим ва фозил инсонлар орасида вояга етган. Ёшлигидак Кўруонни ёд олган, қалом илми ва маантиқни ўрганган, отасидан қолган қатта бойлиқни илм йўлида сарфлаган. Бу ҳақда ёзган А. Жузжоний маълумотига қўра, 22 ёшида проқлик улуг аллома, илоҳиётчи Ҳамдод ибн Абу Сулаймонга шогирд тушиб, унинг таълимини олган. Кейин Қуфа ва Басранинг энг обрўли факхиси бўлиб етишган ва ўзи шогирдлар тарбиялаган.

А. Х. қалом илми буйича юксак малакага эга бўлган бўлса ҳам, эришилган муваффақиятлар уни қониктирмаган. У фикх, яъни ислом ҳуқуқи илми ва унга тегишли бўлган

тулиш йўли мавжуддир». Бу йўл тўғри тушуниш, тўғри ҳаракат қилиш, тўғри муомалада бўлиш, фикр-ниш тўғри жамлаш қабиларга амал қилишдир. Бу йўлдан борган инсон Буда йўлини тутати.

А.-П.га кўра, буддизм таълимоти, асосан уч кимдан иборат: ахлоқ; медитация; донолик, донишмандлик. 1) Ахлоқ нормалари – «Панча шила» («Будданинг беш насихати»); котиликдан сакланиш; ўғрилликдан сакланиш; тумрохликдан сакланиш; ёлгон, қалбаки нарсалардан сакланиш; маст қилувчи нарсалардан сакланиш. 2) Медитация – тўғри тушуниш (тўғри эътиқод қилиш) – Будданинг биринчи даъватида сўз юритилган тўрт ҳақиқатни билиш ва унга ишониш; тўғри ният қилиш – дунёвий лаззат-халоватлардан ҳалос бўлишга, кераксиз фикрлар ва б.га зарар етказиб қўйишдан сакланишга интилиш; ўзини тўғри тутиш – ўзиники бўлмаган нарсаларга кўз олайтирмаслик, оптикча ҳиссиётга берилмаслик; тўғри англаш – ўз танаси ва руҳига ўзини йўқотиб қўймайдиган даражада назоратда бўлиш ҳамда бунда эҳтирослар ва изтиробларга чек қўйиш; тўғри ҳаракат қилиш – ўзидаги ёмон туйғуларни жилолаш ҳамда эзгу туйғулар ва ҳаракатларни ривожлантириш; тўғри ҳаёт кечириш – номасъул ҳаёт тарзидан сакланиш; тўғри фикр юритиш – камолотнинг тўрт босқичини кетма-кет босиб ўтиш; тўғри гапирш – ёлгондан, тухматдан, ҳақоратдан ва бефойда гаплардан сакланиш. 3) донишмандлик – бу буддизмнинг асосий мақсади бўлиб, нарсалар табиатини тўғри тушунишдан иборат. А.-П.да ушбу уч амалиёт босқичини ўтаган инсон охири-оқибат олий саодатга, яъни нирвана ҳолатига эришади, деб ҳисобланади. Нирвана сўзининг луғавий маъноси – «ўчиш, сўниш» бўлиб, унда ҳаётнинг ҳар қандай қўрилишига интилиш йўқолади ва инсон олий рух ҳолатига айланади.

АВАЗ ЎТАР, Аваз Полвонийёз (Ўтар) Ёгли (1884.15.8 – Хива – 1919) – Хива хонлиги ҳудудига XIX а. охири XX а.нинг биринчи чорагида яшаб ижод этган мутафаккир, ўзб. маърифатпарвар шоир. А. Ё. киска, бироқ ўта сермазмун ҳаёт йўлини босиб ўтди. У тугилган 1884 й.да Хива хонлиги Россия исканжасида бўлиб, диний мутаассиблик, ҳурроф таъсирида қолиб, таназзулга мақмул этилган ҳолатда эди. А. Ё. хонлик тузуми эскириб, унинг давлатни инкирозга олиб келган сиёсати, унга мунофиқона маълохлик қилаётгани, ҳамду сано ўқийдиган сарой адабиёти, «афкори умумий» ва мутаассиб руҳонийларни аёвсиз танқид қила олган, бу борада миллат манфаатлари ифодачиси

бўлиб майдонга чиққан. А. Ё. дастлаб мактабда, сўнг Хивадаги Инокий мадрасасида ўқиди. 18 ёшларида шоир сифатида халқ ўртасида танилди. Муҳаммад Раҳим Соний истеъдодига қатта эътибор берган, уни саройга таклиф қилиб, Табибийни унга устоз этиб тайинлаган. Айни пайтда сарой муҳитида хоннинг расмий сиёсатини, айниқса, унинг «зафарли юришлари»ни макташ, маддохлик қилишда узаро рақобат, бир-бирини кўролмаслик, жамиятдаги адолат-сизлиқни кўриб туриб, кўрмасликка олиш, ҳалол, поқ одамларни, меҳнат аҳлини камситиш, калондимоглик, хўрлаш Авазнинг ҳаёт, инсон ва улар б-н боғлиқ муаммоларга бўлган қарашларига тўғри келмайдиган. А. Ё. сарой ҳаёти б-н чиқишолмай, уни тарк этади. Бироқ энди Аваз оддий фуқаро эмас, эл таниган, сарой ва дунё сиёсатининг паст-баландини яхши билган, юртга, элга фойда-зарарини халққа газаллар, муҳаммаслар, назираларда маҳорат б-н ифодали оладиган улкан шоир даражасига етган эди. XX а. бошларида кўзга ташланаётган миллий уйғониш ғоялари А. Ё. ижодида кучли таъсир кўрсатади. А. Ё. ижодида эрқарварлик, маърифатпарварлик ғоялари, турмуш иллатларига қарши қаратилган ҳажвлар пайдо бўла бошлайди, бу даврда шоир юксак инсоний фазилатларни, чинакам инсоний муҳаббатни тараннум этувчи лирик шеърлар, китталар, рубоийлар ёзди. Сарой аҳли Авазнинг ҳар бир шеъри, газал, муҳаммас, назираси, айниқса ҳажвиётидан кўриб, халқ орасида ўз башара ва кирдиқорлари «достон бўлиши»дан хавфсирар эди. Аваз устидан фитна уюштирилиб, уни динсизликда, шаққокликда айблаб, хонга арз қиладилар. Уни занжирбанд қилиб, хон ўрдасига олиб келадилар. Хон Авазни икки юз дарра б-н жазолашга буюради. Оғир қийноқлардан ҳолсизланган Авазни қайта қишанлаб, Хивадаги Бобо эшон мазористонига жўнатиб, қаттиқ назорат остида ушлайдилар. Аваз Бобо эшон қабристонига 1909 й.нинг ёзидан киши чилласигача қолиб кетади. Ўша ерда ҳам таъйик, ҳақоратлар, бунинг устига қишининг даҳшатли совуғи уни ҳолдан тойдиради. Бироқ шундай оғир шароитда ҳам, ўз иродасини янада қархлаган. А. Ё. хон, унинг амалдорлари, мунофиқ руҳоний ва сарой шоирларини фош этувчи «Фалоний» туркумидаги ҳажвиёт-китъаларини, «Совуқ» радифли газалини, «Шайх», «Пора истар» каби шеърларини ёзган ва улар халққа овоза бўлиб улгурган эди. Муҳаммад Раҳимхон II вафотидан сўнг тахтга ўтирган Афандиёрхон ҳам Авазни ўзига душман деб билиш, уни қаттиқ таъкиб остига олади. Бу орада шоирнинг соғлиги кескин ёмонлашади. Доимий маъиш-руҳий қатагон шароитида яшаган шоир са-

ломатлиги кундан-кунга ёмонлашиб, 1919 й.да 35 ёшида вафот этади.

А. Ё. «Миллат», «Хуррият», «Топар эркан, қачон», «Халқ», «Замон» ва б. шеърларида миллат тақдирини ва келажигини янгича талқин этади. Айрим шеърлари ўша давр вақтли матбуоти («Ойина», «Вақт», «Мулла Насриддин» ва б.)да босилган. 2 девони («Саодат ул-икбол», «Девони Аваз») ва қатор баёзларга киритилган газаллари етиб келган. Девонларнинг қўлёзма нусхалари Ўз-н ФА Шарқишунослик ин-тида (инв. № 942, 7102, 3451) ва қўчирилган нусхаларидан бири эса Хоразмда яшовчи шоирнинг укаси Ражаб Ўтаров шахсий кутубхонасида сақланади. Республикада мактаблар, кўча ва хиёбонларга А. Ё. номи берилган. Хивада уй-музейи ташкил этилган, ҳайкали ўрнатилган. У ҳақда бадний а-рлар яратилган (Э. Самандар «Эрк садоси» достони, А. Бобожон «Ғазал фожиаси» драмаси, С. Сиёев «Бир чора замон истаб» киссаси ва б.). Шоир дунёқарашини ва қолдирган меросидан соф фал-й, ижт-й-сиёсий қарашларнинг бирон-бир мунтазам шакли, қўрилишини қилдириш тўғри бўлмайдиган. Шундай бўлса-да, унинг ижодида табиат, борлик ва инсонга, уларнинг моҳияти, алоқа ва қонуниятларига соғлом қўндалик ақл мақомида келиб чиқиб ёндашиш. Ўз му-нтини қўтариб олиш олдиди тафаккур, идрок воситасида, ёрқин ҳаётнинг таъсирларида ифодалаш асносида табиат, инсон ҳаёт гузаллигининг таъкидлангани, қадрлангани анча чуқур ўрин олган. Шоир ижоди унинг теран фал-й-бадний идроки, мушоҳада, қушувларини ифодалашга муҳим восита бўлган. А. Ё. меросига илмий ва ҳолис ёндашилса эл-юртнинг ўша тарихий даврдаги қоляқини, ҳурофотларга ботганлиги, дину уламоларни айниганлиги ҳаётини ҳақиқатни жонли, ҳаққоний ва айни пайтда тамомила Шарқ муомтоз баднийи талабларига мувофиқ акс эттирганлигини, уларда бепарда даҳрийлик ёки исёнкор инкилобчилик йўқ эканлигини қайд қилишга тўғри келади.

АВАНГАРДИЗМ (франц. avantgarde) – XX а. мад-тидаги бир қатор йўналишларни ифода этадиган т. бадний мад-тидаги йўналишлардан бири. А. таъмоийларни экспрессионизм, кубизм, футуризм, дадаизм, сюрреализм каби оқимлар фаолиятида ҳам акс этган. А. бадний ижод соҳасидаги мавжуд метр ва аъналарни рад этиб, янги ифодавий воситаларни мутлак янгилик, деган қарашга асосланади. Бадний ижода янги ифода воситаларини излаш ҳаракатида мавжуд классик аъналарни тан олмасдан, асосий эътиборни шаклга қаратади. Бадний мад-т соҳасида модернизм б-н узвий боғлиқ бўлиб, оламга субъек-

тив мун-т ва вокеликка сюрреалистик қарашни акс эттиради. Мусика йўналишида ҳам А. ўзига хос тарзда намоён бўлган.

АВАТАРА (санскр. илохий инкарнация) – хиндуизм мифологиясида хос т. Унинг ёрдамида (Вишна, Шива каби) Худоларнинг Ерга тушиши ва оддий одамлар ёки жонзотлар киёфасига кириши б-н боглик илохий феноменининг мазмун-моҳияти англади. Бунда Худолар илохийлик ҳусиятини бутунлай йўқотмайди, балки оддий одам ёки жонзот киёфасида намоён бўлади, деб тушунилади.

АВГУСТИН Аврелий, Авлиё Августин (Augustinus Sanctus) (354, Тагас, Шим. Африка – 430, Гиппон, Шим. Африка) – христиан дини илохиятчиси, фай-ф. Насронийлик фал. си аъёналари А. томонидан давом эттирилди. А. фал.си христиан ва кад. доктриналарнинг қоришмаси сифатида вужудга келди. А.нинг диний-фал-й руҳдаги қатар ваъз ва рисоалари саклини қолган. Улардан машхурлари: 1) «Тавба» (400 й.); 2) «Илохий шахар ҳақида» (413–427 й.лар; 22 китобдан иборат). А. уларда Худо борлигининг энг юқори ва олий намунаси эканлигини исботлашга уринади. Худо борлики, олами ўз иродаси б-н йўқдан яратди. Олам бир хил эмас, у турли макомдаги мавжудотлар поғоналарини ташкил қилади. Бунда инсон ўзига хос ўрин эгаллайди. У қичкина олам, «микросомос»дир. У ўзида моддий жисм табиятини мужассамлаштирган. Бундан ташқари, у ақл ва эркин ирода соҳиби ҳамдир. Рух моддий эмас. У абдий ва эркин. А.га кура, рух мустикал субстанция – жавҳар сифатида на жисм ва на унинг ҳосаларига эга. Унинг асосий вазифи тафаккур этиш, ирода ва хотирага эга бўлишдан иборат. Рух ҳар қандай биологик функциялардан холи. Та-нага нисбатан ўзининг баркамоллиги б-н ажралиб туради. Бундай қараш юнон фал.сида ҳам учрайди. Лексин, А. талқинида рухнинг баркамоллиги унинг Худого яқинлиги ва абдийлигидан. А. фал.сида ақлпарастлик эмас, балки, иродапарастлик хос. Рухий ҳаётнинг асосини ирода ташкил этади. Чунки, ҳар қандай ҳодисанинг моҳияти унинг фаолиятида намоён бўлади. Шундай экан, инсон моҳиятини ақл белгилай олмайд, негаки, у пассивдир. А.нинг ирода устуворлиги ҳақидаги фикри кад. юнон рационализмидан фарқланади. Инсон рухини иррационалистик тарзда тушуниш орқали ирода эркинлигининг фаоллиги келтириб чиқарилади. А. бу фикрни психология б-н биргаликда илохиятга киритади. А. эллинистик фал. б-н ҳамоханг тарзда инсон ҳаётининг мақсади ва мазмунини бахт-

саодатга эришиш эканлигини эътироф этади. Бахтнинг қилити Худо. Инсоний бахтга эришиш Худони библия ва рухни турли-туман синовлардан ўтказиш орқали амалга ошади. А.нинг диний-фал-й қарашлари Максимум Конфессор, Кассиодор, Алкин, Бозий, такводор Иоанн томонидан давом эттирилди. Унинг маънавий мероси атрофида кескин ғоявий кураш ханузгача давом этиб келмоқда.

АВЕНАРИУС (Avenarius), Рихард (1843.19.11, Париж – 1896.18.8, Цюрих) – швейцариялик фай-ф. субъ-ектив идеалист, эмпириокритицизм асосчиларидан бири. Отасининг ихтиёри б-н аввал ўзини китоб ишига бағишлаган эди, кейинчалик Цюрих, Берлин ва Лейпцигга фал. б-н жиддий шугулланди. 1877 й. Цюрих ун-тига проф. лавозимига таклиф этилди. Шу й.нинг ўзидаёқ Георгин, Найнце ва Вундт иштирокида фал. журналнинг ташкил этди ва вафотига-ча бошқариб борди. Асосий а-рлари: «Фал. кам куч сарфлаш принципи асосида дунё ҳақидаги ўйлар сифатида» (1876), «Соф тажриба танқиди» (2 жилдик, 1888–1890), «Оламини инсоний англаш» (1891). А. «принципиал координационалаш» илмини ишлаб чиқди. У ўз вақтида ўрганилаётган реаллик ғоя ва меъёрларини наз-й т.ларини янгича фай-ф.фона исботлашга ҳаракат қилди. А. фикрича, «Принципиал координационалаш» фани жисмоний ва рухий дуализмни бартараф қилишга имкон яратади. А. методологиясининг биринчи принципи – «С системаси» ёки марказий аъзо ва «R системаси» (ёки антиаъзо)нинг узвий бирлиги (объектсиз – субъект йўқ, субъектсиз – объект йўқ). А. мантикий қондаларига асосланган наз-й ҳулоса чиқариши мумкин – олам бу ҳиссиётдир. А. оламини англашни ҳиссиётга боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилган. Наз-й соҳада А. «Кам ўлчовли принциппига асосан фикрлаш»ни тавсия этади. Методологик даражадаги А.нинг «Принципиал координациялаш» илми ўша даврдаги табиат фанларининг наз-й пойдевори бўла олмади, негаки объектив воқеликни мустикал мавжудлигини тан олмаган объективлик т.сини рад этар эди. А. бутунлай янгича н. назарга асосланиб, янги йўлларга бошлаб, эски ечиммас муаммоларга янгича ёндашишни кўрсатади. У ўз наз-ясини «эмпириокритицизм» деб номлади. Унинг эмпириокритицизми кўп олимларни ўз (оригинал-лиги), терминологиясининг янгилиги б-н қизиқтирар эди. А.нинг библии фал.сида қўллаган изланиш услуби янги ва муҳим ҳисобланади. У соф тасвирлашни библии фал.сини табиатшунослар ўзларининг асосий фани деб ҳисоблаганлар. А. «эмпириокритицизм» терминини орқали таж-

риба т.сини танқид қилмоқчи эканлиги ҳақида фикр юртидаги ва «соф тажриба» илмини қабул қилишимиз керак. Қайси фикрларни тўғри деб ҳисоблашимизни, қайсыларини саклаб, қайсинисидан воз кечишимизни аниқламоқчи бўлади. А. фикр-ича, тажрибани керак бўлмаган, орқича фикрлардан тозалаш лозимдир. Аниқ, махсус фанларда тажрибани ифода этиш учун керакли зарурий сўзлар б-н бир қаторда орқича сўзлар фикри ҳам қўшиб ишлатилди. А. орқича сўз ва фикрларни олиб ташлашни киритди ҳамда шу усулни «тажрибани тозалаш» деб атади. Табиий фанлар тажрибасида кузатилаётган объектга тегишли бўлган фикр-маълумотлардан ташқари четдан киритилган фикр ва маълумотлар доим мавжуддир. А.нинг усули бўйича айнан шу четдан қўшилган фикр ва сўзлар априор (яъни тажрибадан ташқари) бўлганлиги учун олиб ташланиши керакдир.

А. фанга «принципиал координация» т.сини киритди. Бу т. бўйича, субъект ҳамма вақт имконият тарзида объект б-н мос ҳолда мавжуд бўлган. Бу марказий потенциал аъзони барча принципиал координацияларга қўшиб қўйиш, яъни ҳар бир тарихий даврни принципиал координация сифатида олиш мумкин, бу давр ичиде субъект имконият сифатида мавжуддир. Энг аввал А. субстанция ва сабабият т.ларини танқид қилди. А. фикрича, тажрибада биз кучнинг ўзини ва ш. саб. пайдо бўлган ҳаракатни асл ҳолатда билолмаймиз. Тажрибада бизнинг сезгиларимизга таъсир қилган ҳодисаларни фақат сезгиларимиз орқали бирин-кетин ўрганамиз. Демак, куч ва ҳаракатни асл ҳолатида, яъни бизнинг сезгиларимиздан ташқарида била олмаймиз.

А. субстанция т.сини ҳам танқид қилди. Унинг фикрича, субстанция бу идеал ҳолат бўлиб, фақат ўзгаришни англатади. Тажрибада субстанцияни биз билолмаймиз, фақат у келтирган ўзгаришларни ҳис қилишимиз мумкин. Бу ерда А. Юмдан кейин агностизм н. назарига ўтди. Лексин Юм ва Беркли фақат субстанцияни рад этган бўлсалар, А. жонни ҳам тан олмади. Шундай қилиб, А.нинг тажриба т.си инсоннинг соф онгли ҳолатидир, бу онг объектив реалликдан, субстанция, сабабият ва инсонга тегишли бўлган бошқа т.лардан ажратилган. А. материалистик биллиш наз-ясини танқид қилиб чиқиб, бу наз-яни интроекция, яъни ташқи оламини инсон миёсига жо қилиш, деб таърифлади. У билимларнинг ягона манбаи сезгиларидир, ҳамма нарса сезгизда мужасамлашган, деб ҳисобларди.

АВЕРРОЭС – андалусиялик (испаниялик) машхур ислон фай-фи Ибн Рушднинг лот. исми (к.: Ибн Рушд).

тонларга таъсири сифатида намоён бўлган. Улар Авестонни ўрганганлар, ундаги гоёлардан таъсирланганлар. Жак Дюшен Гиенен «Зардушт маҳдлари» («Авестонинг Ясна, Яшт қисмлари») китобининг таржимасига ёзган сўз бошида «Шарқ доноларидан Фарб биринчи бўлиб Зардуштни тан олган. Зардуштни Платон билар эди, чунки унинг шоғирдлари ўз устозларини Зардуштга қиёслар ва тенглаштирар эдилар. Унинг (Зардуштнинг) таълимоти Платоннинг дуалистик қарашларида сезиларли из қолдирган», деб таъкидлайди. Мил. ав. III а.да яшаб ўтган юнон фал. тарихчиси Лазэртик Диогеннинг фикрича, «Зардуштдан сўнг унинг жуда кўп издошлари, мас. Остон, Астремпик, Гобрий, Пазат ва б. бўлиб, улар Македониялик жаҳонгир Александр давригача етиб келганлар». «Авесто»да Зардуштнинг кейинчалик Фарбада юнон фой-фи Гераклит сўзлари деб қаралувчи, уша даврдаги диалектик фал.нинг асосини узида мужассам этган машхур хулоасан ҳам бу фикрларни тасдиқлайди: «Олов – энг олий кураат; у барча нарсани ўз ичига олади ва барча нарсани янади. У доимий ёниш билангина яшайди ва барча-барча нарсани фақат олов ёнади. Инсон ҳам ана шу олий кураат б-н яшайди. Унинг ғиродси ва акли ана шу улуг осмоний оловнинг намоён бўлишидир. Бу олов осмонда, осмон орқали ва осмондан келиб чиқувчи сифатида амал қилади...».

Урта а.лар Шарқидаги А. асосан араблар ҳукмронлигига қарши ўз миллий қадриятларини химоя қилишга, уларни чуқурроқ ўрганишга, зардуштийликка интилишининг кучайиши б-н боғлиқ ҳаракат. Бу ҳаракатнинг марказлари Бухоро, Хоразм, Хуросон бўлиб, ислом қобилига ўралган тасавуфнинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди. Бу даврда Дақикий, Фирдавсий, Абу Райҳон Берунийларни ўз даврининг йирик А.лари дейишимиз мумкин. Янги давр А. Анкетил Дюперрон номи б-н боғлиқ. Ҳозирда дунёнинг барча минтақаларида А. марказларида чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. 1777 й.да немис олими Кленкер томонидан «Занд Авесто» немис тилига ўғирлиб, Рига шаҳрида чоп этилди. А.да янги бир босқич даниялик тадқиқотчи Р. Раскнинг фаолияти б-н боғлиқ. У XIX а.нинг биринчи чорагида Анкетил Дюперрон жасоратларини яна бир бор такрорлаб, «Авесто»дан немис тилига бир қатор таржималар қилди ва 1826 й. Копенгаген шаҳрида чоп эттирди. Ш-дек, Э. Бюрнунинг 1833 й.да «Авестонинг «Ясна» қисмига ёзган шарҳлари А.да муҳим ҳаддам бўлди. А.нинг Россияда шаклланиш тарихи XIX а.нинг 2-ярмига тўғри келди. К. А. Коссович биринчилардан бўлиб, «Занд» Авестодан 4-бобини

1861 й. таржима қилди. К. Г. Залеман код. форс адабиёти ҳақидаги очеркларидан (1881 й.) Авесто ҳақида маълумот беради. С. Каменский «Авесто» яшларидан еттитасини рус тилига таржима қилиб, 1900 й. изоҳли лугати б-н чоп эттирди. «Авесто»ни илмий ўрганишда эронлик Иброҳим Пури Довуд А.да чуқур из қолдирган йирик тадқиқотчи. У Ҳиндистондаги порс қавми орасида 1925–1936 й.да истиқомат қилиб «Авесто»нинг тилини мукаммал ўрганди. Бу таълимотта доир. бор материалларни жамлаб тўққиз томдан иборат «Авесто» китобини чоп эттирди. У уч минг й.лар олдин йўқотилган «Авесто» саҳифаларини тиклаб, уни ҳоз. замон форс тилига ўғирди. Пури Довуд мактабига мансуб авестошунослардан Эҳсон Ёштар, Баҳром Фраваший, Бейжон, Жалил Дўстхон, Хушанг, Мехрон, Мурод Авранг, Муҳаммад Муин, Саид Нафисий, Пирниё Ҳасан ва б.ни алоҳида санаб ўтиш зарур. Собик иттифок даврида «Авесто»нинг илк ватани бўлиши ўз-нда А. системали равишда амалга оширишга келди. Ўлкамиз тарихи б-н шугулланган Толстов С. П., Снесарёв Г. П., Якубовский А. Ю., Гуломов Я. Ғ. ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида «Авесто» у ёки бу даражада таҳлил қилинган. Мустақилликдан кейин А. б-н жиддий шугулланиш даври бошланди. Н. Маллаев, М. Қодиров, М. Исҳоков, А. Сағдуллаев, Ф. Сулаймонова ва б.нинг тадқиқотларида жиддий изланишлар мавжуд. Ўзбек тилида Н. Маллаев ва А. Қайумов ишларини давом эттириб, Аскар Маҳкам томонидан таржима қилинган «Авесто» битикларининг бизгача етиб келган тўла матни (2001) нашр этилди.

АВИЦЕННА – Ибн Сино исмининг Фарб мам-ларидаги талқини (қ.: Абу Али Ибн Сино).

АВЛИЁ (араб. «валий» – дўст) – «валий», «валоят» сўзларидан олинган. Валоят адоватнинг тесқарисидир. Ислом динида мўминлар Аллохнинг А.си, Аллох эса уларнинг валийси, яъни дўсти деган ақида мавжуд. Қундалик ҳаётда донишманд, узокни кура оладиган, келажакни башорат қила оладиган, маън-й баркамол кишиларга нисбатан қўлланади. Бирон-бир халқнинг маън-й тинимсоли даражасига етган инсонлар ҳам шу сўз б-н улуғланади. Мас.: «Юксак маъ-ят – енгилмас куч» а-рида миллий маъ-ятимизнинг буюк намоёндаларидан бири – Алишер Навоий сиймоси қуйидагича таърифланади: «Агар бу улуг зотни авлиё десак у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак шоирларнинг султониридир».

АВЛЮД (араб. болалар) – тор маънода алоҳида бир шахс, оила ёки сулоланинг давомчиси бўлган фарзандлар ва уларнинг зурриёдлари, кенг маънода эса миллат, халқ, цивилизация ривожининг муайян босқичида ягона гоё, мақсад ва вазифалар б-н майдонга чиқадиган, тарақ-т жараёнда узвийлик ва давомийликни таъминлаб, ўз даври қиёфасини белгилаб берадиган, ижт-й ҳодиса даражасига кўтариладиган кишилар гуруҳи. А.нинг қамолотида аждодлар таърибаси, урф-о. ва анъаналари муҳим роль ўйнайди. А. тарихий даврлар, муҳим ижт-й-сиёсий воқеалар, ижт-й тоифалар, қасб-қор ва фаолият соҳасига мансублигига, ёш хус-ятлари, ижт-й хус-ятларига қараб фаркланади. Мас., истиклол даврида вояга етган баркамол А., Иккинчи Жаҳон урушида қатнашган А., ёш А., кекса А., эркин А., ёзувчилар А.и, космонавтлар А.и ва х.к.. А. т.си наботот ва ҳайвонот дунёси, инсон меҳнати, ақл-заковати б-н яратилган нарсани ҳамда востиларга нисбатан ҳам кенг қўлланади. Мас. гўза навларининг кейинги А.и, сўт эмсузчилар А.и, янги А. дарсликлари ва х.к..

АВЛЮДЛАРА ВОРИСИЙ-ЛИК – аждодлар б-н авлодлар ўртасидаги қондошлик алоқалари, мун-т, анъана ва қадриятларнинг давом этишини, наслий, маън-й-ахлоқий яқинлиқни аниқлаётган т.. Шарқ халқлари ҳаётни жамоавийлик тамойилларига асосланган. Бу мун-тлар ҳар қайси халқ яшаётган заминнинг ўзига хос хус-ятлари б-н бевоқифа боғлиқ ҳолда шаклланиб, а.лар давомидида аждодлардан авлодларга ўтиб келмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, «Юксак маъ-ят – енгилмас куч» а-ридаги қуйидаги фикрга эътибор қаратиш лозим: «У. О. ҳудудида аҳоли азалдан водийларда, қатта сув манбалари – дарё ва анҳорлар бўйида яшаб келади. Атрофни чўл ва саҳролар б-н ўралган, табиати, иқлими гоёт мураккаб бўлган минтақа шароитининг ўзи ана шу элат ва миллатларнинг минг й.лар давомидида бир-бирига мослашиб, яқин елкадош бўлиб, бир-бирининг оғирини енгил қилиб яшашни тақозо этиб келади. Чиндан ҳам, бу заминда истиқомат қиладиган одамларнинг тарқок бўлиб яшашга имкони йўқ, табиатнинг ўзи, ҳаётнинг ўзи уларни шу руҳда тарбиялаган». А.в.ни маън-й жиҳатдан таъминлашда анъана ва қадриятларнинг давомийлиги муҳим роль ўйнайди. Ҳар қайси даврнинг таълиби, ундаги ижт-й-икт-й ва гоёвий-сиёсий омилларнинг таъсири остида анъана ва қадриятлар шакли ривожланиб, ўзгариб боради. Мас., тил, дин, илм-фан, ёзув ва матнларда тарих, халқ ва миллат ҳақидаги маълумотлар сақланиб, сайқалланиб а.лар

мобайнида аждодлардан авлодларга ўтади. Бу эса А.в.ни таъминлашга хизмат қилади. Ижт-й мулоқот ҳам А.в.ни таъминлашнинг муҳим омилдир. Айниқса, оиланинг бу борадаги аҳамияти беқиёс. Бугунги кунда авлодларро ворисийликни таъминлашда замонавий ахборот воситалари, жумладан, радио, ТВ, матбуот, адабиёт ва санъат а-рлари маън-й меросни авлодларга етказиш вазифасини бажаради.

АВЛОНИЙ, Абдулла (1878–1934) – XIX а. охири XX а. бошидаги ўзб. миллий мад-тининг машҳур вакилларида бири, маърифатпарвар шоир, драматург, журналист, олим, давлат ва жамоат арбоби. XX а. бошларида жаҳидларнинг фаол иштирокчиларидан бири бўлиб танилди. У янги усулда, янгича мактаб очиб, дарс берди ва дарсликлар ёзди. Мактаб-маориф ишларида ёрдам берувчи «Жамияти хайрия» очиб, етим ва боқувчисиз йўқ болаларни ўқитди. А. танikli маърифатпарварлар б-н биргаликда «Наширёт» (1914), «Мактаб» (1916) ширкатларини тузди. «Хуршид», «Тужжор», «Осиё» газеталарининг майдонга қилинида бевосита иштирок этди. Ўз муҳаррирлиги остида «Шухрат» (1907), кейинчалик «Турон» (1917) газеталарини чиқарди.

А. асос солган янги усул мактаби гуманистик ва эркин тарбия асосига қурилган, дунёвий илм-фанни болаларга ўргатишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган, ёшларни мам-тининг ижт-й-сиёсий ҳаётига аралаш олиш қобилиятига эга бўлишини таъминлайдиган ҳақиқий халқ мактаби бўлди. Адиб жаҳид мактаблари учун «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» дарсликларини тузди. Ахлокий-дидактик мазмундаги «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» дарслиги (1913) XX а. бошларидаги ўзб. жаҳид маърифатчилигининг ноёб ҳодисаларидан эди. Унда тарбия ва ахлоқ масалалари биринчи мартаба XX а.нинг талаб ва эҳтиёжлари н. назарида таҳлил қилинган.

Аллома фатонат, назофат, ғайрат, риёзат, шижоат, қаноат, илм, сабр, интизом, миқёси нафс, виждон, ватанни севмоқ, ҳаққоният, назари иборат, ифбат, ҳаё, идрок, зако, лафз, иктисод, виқор, итлоф, садоқат, адолат, муҳаббат, авф каби қадриятларни – «яҳши хулқлар» деган умумий ном остида таҳлил қилади. «Ёмон хулқларга эса ғазаб, ғижолат, разолат, адоват, ҳасосат, ғийбат, ҳақорат, ҳасад, зулм каби хус-ятлар мисол бўлади.

А. хулқларни анъанавий яҳши ва ёмонга ажратар экан, мулоҳазаларини Гиппократ, Платон, Аристотель, Саъдий Шерозий, Бедил фикрлари б-н асосланган тарзда замонавийликни асосий мезон қилиб

олади. Мутафаккирнинг фикрича, ахлоқ, бу хулқлар мажмуи. Хулқ эса эъгулик ёхуд разилликнинг муайян бир инсонда намён бўлиш шакли. Бинобарин, ҳар бир хулқ эъгулик ва олийжанобликнинг ёки разиллик ва бадбинликнинг тимсоли. Шу жиҳатдан улар яҳши ва ёмонга бўлинадилар.

Ушбу а-рда А.нинг машҳур «Тарбия ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот – ё ҳалоқат, ё садоқат, ё фалоқат масаласини», деган фикри баён қилинган. Унингча, тарбия тугилган кундан бошланади ва умрининг охирига қадар давом этади. А. фикрича, яҳши ва ёмон хулқлар кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак. Кишилар тугилишдан ёмон бўлиб тугилмайдилар. Уларни муайян шароит ёмон ёки яҳши қилади. Демак, ҳамма нарсга тарбияга боғлиқ.

А.нинг ушбу ва б. а-рларида тилга олинган қадрият номига диққат қилинса, ўша даврда юртимизда маън-й т-ларнинг қўлаи канчалик кенг бўлганлигини, тилимизнинг нақадар бойлигини кузатиш мумкин. Шу. унинг а-рларининг аҳамияти фақат мактаб доираси б-н чекланмади. Улар адабиёт ва ахлоқ ҳаваскори учун ҳам қўлланма бўлиб хизмат қилди, ўз даври ижт-й-педагогик фикр тар-ётида алоҳида ўрин эгаллади.

Адибнинг фал. ва маъ-ятга дахлдор қарашлари унинг шеъринида, драма ва публицистик мақолаларида давом этди. А.нинг ижт-й-сиёсий, ахлокий, эстетик қарашлари бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмаган. Афсуски, 30-й.ларда бошланган сиёсий жараёнлар А.лар авлодининг бой меросини ўз домига тортиди. Китобнинг тақдирини ҳам шундай кечди, у тақиклаб қўйилди, ҳатто кутубхоналардан ҳам топиш қийин бўлиб қолди. Фақат республикамиз мустақил бўлганидан кейингина уни чоп этиш («Ўқитувчи» нашриёти, 1992 й.) ва А. меросини кенг ўрганиш имкони яратилди.

АВРОПА – Юнон афсоналарида Эос номи б-н юртилидиган, қад. Рим афсоналарида эса Тонг ёғдуси маъбудасини англатадиган ном, исм. Отлар қўшилган гилдиракли аравага тушган ҳолда океандан чиқиб келаётган икки қанотли ёш аёл сиймосида тасвирланган ушбу маъбуда Худодларга ва инсонларга кундузи нур таратиб туради, деб тасаввур қилинган.

АВТАРКИЯ (юн. autarkeia – мустақиллик, ўз-ўзидан қаноатланиш; autos – ўзим ва arkeo – мўл-қўлчиликда яшамокдаман) – икт-й, ижт-й, сиёсий ва маън-й маъноларда қўлланадиган, бирон-бир шахс, гуруҳ, миллат, давлат ва жам-тининг

ўз ҳолича, бошқалардан ажралган ҳолда яшаши учун қаратилган ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайдиган т. Сиёсий соҳада А. фақат давлат доирасида, миллий маҳдудлик муҳитида ҳўжалик ташкил этиш максатида мам-тин бошқа мам-тлардан айириб қўйиш сиёсатини англатади. Ҳоз. даврда ҳам дунёнинг турли ҳудудларида А. тенденциялари мавжуд, уларнинг маън-й оқибатлари ҳам кўзга ташланиб туради. Глобаллашув даврида А. жам-тда маън-й биқиклининг қучайишига, унинг ташки дунёдан ажрлиб қоллишига олиб келиши мумкин.

АВТОКРАТИЯ (юн. autos – ўзим, kratos – ҳокимият) – яққа шахсининг ҳеч қандай қонун, ҳуқуқий меъёрлар чекланмаган ягона ҳокимлиги, яъни мустабид, яққа ҳокимиятчилик, бир шахсининг назоратсиз тўла ҳукмронлиги. А. қад. давлатлар – Юнонистон, Рим империясида фақат зўрлик ва қурол қучига таянган. ўрта а.ларда эса, мутлақ монархияга асосланган давлатнинг белгисини ифодалаган. А. айниқса фашистик ва коммунистик сиёсий тузумларда диктаторнинг ҳуқуқ ва озоқларда қарши қаратилган шахсий ўзбошимчилиги рамзига айланган. А. алоҳида субъект томонидан ҳокимиятини чекланмаган, назорат қилинмайдиган ва уни тўлиқ эгаллаб олган ҳолда, бошқарини англатади. Ушбу субъект, давлат бошлиғи давлат ҳокимиятини идора этишининг манбаи ва эгаси бўлади. Мазкур субъект олий қонун чиқарувчилик, ижро этувчилик ва суд ҳокимиятларини ўз қўлида эгаллаб туради. Давлат ҳокимияти маҳаллий идораларини унинг юқори идоралари талабларини бажарувчисигина бўлиб қолади. Давлат бошлиғининг ўзгартрилиши усулига қараб, автократияни қуйидаги тарзда таснифлаш, туркумга ажратиш мумкин. Меросий автократия (мутлақ монархия) ва легал, очик автократия – ўтказилган сайловлар натижасига кўра, муайян шахсининг ҳокимиятга қелиши, унга чекланмаган вақолатларнинг берилиши ва унинг ҳокимиятда чекланмаган мўддатда қолиши. Легал бўлмаган автократия давлат ҳокимиятини зўрлик йўли б-н эгаллаб олиш натижасида вужудга келади. Давлат ҳокимияти идоралари томонидан жам-т ҳаётини бошқаришдаги вазифалар қўлаи кўра (шу жумладан иктисодиёт соҳасида), автократия тоталитар ва авторитар тарзда давлатни бошқариш шакллари бўлинади. Агар улардан биринчиси давлат ҳокимияти идораларининг шаклланишига уларнинг таъсир расийи-намоийишқорона бўлса, давлат ва ижт-й ҳаётининг барча соҳаларига фаол аралашса, иккинчиси – давлат ҳокимияти ва унинг а-

Умумий фаровонлик гоёалари ташкил қилади. А.И. бўйича инсон макрокосмосга мос келадиган микрокосмосдир. унинг ички моҳиятини оловли жисм ташкил қилади. А.И.нинг муҳим онтологик асосини рух эмпатияси, гоёанинг ўлмаслиги ва фикрнинг моддийлашуви, яъни бирон-бир тарзда амалга ошиши тўғрисидаги қарашлар ташкил қилади. Бунда Зардуштийликнинг олов-оташ ҳақидаги, хиндунизмнинг олам тузилишининг асоси рух – гоё эканлиги. Платоннинг «Рух – фикр дунёни бошқариш» тамойили, Конфуций, Лао-Цзю, Христос ва б. буюк устозларнинг бу ҳақдаги қарашлари эътироф этилади. А.И.га ҳам социологик доктринада ҳоз. даврнинг учта асосий хус-яти кўрсатилади: 1) халқ ҳаракатлари, ирқлар ва миллатлар тар-ётини бошқарадиган психик энергия; 2) инсон социумининг кооперацияси (ёки жамоавийлиги) ва умуминсоний бирликка интилиши; 3) эркак ва аёл тенглигига эришар тенденциясига эга бўлган аёллар ҳаракати. А.И. бўйича ахлоқий ва ижт-й сиёсий ўзгаришларнинг асоси барчаннинг фаровонлиги учун хизмат қиладиган меҳнат бўлиши лозим. А.И. наз-ясида юқоридагилардан ташқари медицина, астрология, психология ҳамда ҳаёт ва илм-фаннинг бошқа соҳаларига доир кўплаб масалаларига доир қарашлар ўз ифодасини топган.

АГНОСТИКЛАР (юн. agnostos

а – инкор, gnostos – билиш, билишни инкор этиш, номаълум) – умумий маънода, табиат ва жам-т қонуниятлари моҳиятини билиш имкониятларини рад этиб, билимни воқеаларга мувофиқлигини исботлаш мумкин эмас, деб ҳисоблайдиган кишилар, хусусий маънода, билишни рад ва инкор қилувчилар. У антик скептицизм ва ўрта а. номинализмдан келиб чиққан бўлиб, XIX а. ўрталарида инг. табиатшуноси Гексли томонидан мулоқотга киритилган. XIX–XX а.ларда, айннка, марксистик фал. да мазкур таълимот тарафдорлари қарашлари сунъий тарзда соддалаштирилди ва уларга, умуман, билишнинг инкор этувчи таълимоти вақиллари сифатида қаралади. Вахоланки, А. ҳодисаларни билиш мумкинлигини бутунлай рад этишмайди, моҳиятини ҳаққоний билиш ҳам мумкин эмас, деб ҳисоблашмайди, балки, билим имкониятлари чекланлигини таъкидлашади. Ҳақиқатан ҳам, дунёни бутунлигича, унинг охиригача билиш мумкин эмас, инсон акли дунё тизимини қанчалик ўрганмасин, охиригача етмайди, у чексиздир. Ушбу гоё ва унинг тарафдорлари қад. юн. фал.сида, скептицизм шаклида пайдо бўлган (Протагор, Пиррон). Кейинчалик, бу таълимотни Д. Юм, И. Кант ва

б. файласуфлар ривожлантирганлар. Мазкур гоёанинг моҳияти инсоннинг билиш қобилияти имкон доирасида, чегараланганлигини таъкидлашдан иборат. А. воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини тўла-тўқис билиш мумкин, деган таълимотларга қарши, ҳар қандай моддий тизимнинг моҳиятини инсон акли қанча уринмасин, етарли даражада била олмайд, у дунёнинг бир қисминигина била олишга қодир, ҳоло, деб ҳисоблайдилар. XIX а.да агностицизмнинг хилма-хил кўринишлари баъзи фай-флар томонидан қўллаб-қувватланди ва ривожлантирилди. Мас., И. Мюллер физиологик идеализм, Г. Гельмгольцнинг иероглифлар А.и, вульгар материалистлар (Л. Бюхнер, Я. Мошотт) А.и., XIX–XX а.ларда А.Пуанкаре конвенционализи, XX а.да эса П. С. Юшкевичнинг «праксеологик» А.и бунга мисол бўлади. Баъзи олимлар агностицизм учун оламни мутлақо билиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги фикр характерли дея таъкидлайдилар. Кўпгина ўқув қўлланмаларида «агностицизмнинг асосий тези – билиш мумкин эмаслиги», дея таъкидланган. Агар шундай бўлса И. Кант, И. Мюллер, Г. Гельмгольц, А. Пуанкаре, Т. Гексли, К. Пирсон ёки Г. Башляр каби олимларнинг А. фикрларига нисбатан қандай қараш керак? Аввало, улардаги агностицизмни умумназ-й маънода тушуниш мумкин. Лекин бунда ушбу олимларнинг дунёни илмий-наз-й билиш муаммоларини хал қилишга қатта ҳисса қўшганини асло унутмаслик лозим. Агар ўз а-ларида агностицизмга мойил бўлган фай-флар ижодининг ҳақиқий маъзи чақилмаса, уларнинг «билиш мумкин эмас» деган фикри остида билишни бутунлай инкор этмасликдан тортиб, инсон билими чекланганлиги, олам ва уни билишнинг чексизлиги тўғрисидаги қарашлари тўғри аңланмаса, масаланинг моҳияти ноаниқлигича қолаверади. Мас. ўз даврининг энг зуққо ва билимдон фай-фи И. Кант «Оламни мутлақо билиб бўлмайди, бунга интилишнинг кераги йўқ», қабилдаги доғмага ёпишиб олмаган, балки у инсон оқил, акли жонзот эканлигига, у оламни билиши мумкинлигига сира шубҳа қилмаган. Аммо бу билимнинг чегараси қандай, оламни қай даражада билиш мумкин, деган масалада кенг қамровли тадқиқотлар олиб борган. Шу тариқа «нарса ўзида» деб аталган дунёни билишнинг кўп жиҳатларини ўрганган, кўплаб қимматли фал-й ҳудосаларга келган. Ҳозиргача бу соҳага киришган мутахассисларнинг Кантга мурожаат қилиши, унинг ижодини четлаб ўта олмаглигининг сири ана шунда. А.нинг нарса ва ҳодисаларни билиш мумкинлигини инкор этиши тўғрисидаги тасаввурни ҳозирда ҳам,

ўтмишда ҳам унинг кенг тарқалган шакллариға нисбатан доғматик таъбиқ қилиш мумкин, ҳоло. Аслида эса фал.даги агностицизм ва унинг тарафдорлари қарашлари бу б-н боғлиқ масалаларнинг ниҳоятда мурраккаб ҳодисалар б-н боғлиқлигидан далолат беради.

АГНОСТИЦИЗМ (юн. agnostos:

а – инкор, gnostos – билиш, билишнинг инкор этиш) – табиат ва жам-т қонуниятлари моҳиятини билиш имкониятларини рад этиб, билимнинг воқеаларга мувофиқ эканини исботлаш мумкин эмас, деб ҳисоблайдиган фал-й таълимот. Антик скептицизм ва ўрта а.лардаги номинализм неғизда пайдо бўлган. XIX–XX а.лар ижт-й тафаккурида, айннка марксистик фал.да мазкур таълимот сунъий тарзда соддалаштирилиб, унга тўлиқ билишнинг инкор этувчи таълимоти сифатида баҳо берилган. Вахоланки, бу таълимот вақиллари объектив борлиқни билиш мумкинлигини бутунлай рад етмайди, билим ва тафаккурнинг чекланганини таъкидлайди, ҳоло. Ҳақиқатан ҳам, дунёни муқаммал билиш мумкин эмас, инсон дунёнинг сири синоатини қанчалик чуқур ўрганмасин, унинг тубига етиб бораолмайди, бу оламнинг ҳадди-ҳудуди бўлмагани каби, у ҳақдаги билимлар ҳам чексиздир.

Қад. юн. фал.сида А. скептицизм шаклида, пайдо бўлган (Протагор, Пиррон каби фай-фларнинг қарашлар асосида). А. кейинчалик инг. донишманди Давид Юм ва немис фай-фи И. Кант ва б. фарб олимлари томонидан ривожлантирилган. Агностицизмнинг фикрича, дунёни яхлит ва бир бутун ҳолда билиб бўлмайди. Инсон унинг бир қисминигина билишга қодир, ҳоло. Улар ўз фикрини оқибатнинг сабабдан фарқ қилиши б-н асослаб беришга уринади. Улар оқибат сабабдан фарқ қилади, шу нарса ҳодисаларнинг моҳиятини аңлаш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Бу оқим намоёндалари объектив равишда мавжуд бўлган сабаб ва оқибат ўртасидаги боғлиқлиқни исботлаш мумкин эмаслигига асосланб, апопериор, яъни тажрибадан олдинги билим воситасида, ш-дек, мантик йўли б-н ҳам оқибат ва сабаб ўртасидаги боғлиқлиқни аниқлаш мумкин эмас, деган гоёни илгарн суради. Д. Юмнинг фикрига кўра, табиат мўъжизалар китобини тўлиқ очмайди, бизга объектларнинг айрим ташқи сифатларини ўрганиш имконини беради, ҳоло. XIX а.да А. гоёси турли йўналишларда ривожлантирилди. Мас., И. Мюллернинг А.и (физиологик идеализм), Г. Гельмгольцнинг иероглифлар А.и, вульгар материалистлар (Л. Бюхнер, Я. Мошотт)нинг А.и А. Пуанкаренинг конвенционализи, XX а.да эса П. Юшкевичнинг